Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 237 (21.103) 1991 йил 7 декабрь шанба

Баҳоси 8 тийин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ОРОЛБЎЙИ БЎЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Туркманистон темир йўли ташкил этилиши муносабати билан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудларида темир йўл орқали юк ва йўловчилар ташишни бошқариш самарадорлигини таъминлаш мақсадида:

1. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўрта Осиё темир йўлининг Оролбўйи бўлими ташкил этилиб, унинг таркибига Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудларида жойлашган темир йўл участкалари, станциялари, разъездлари ҳамда темир йўл транспортининг бошқа корхоналари ва ташкилотлари киритилсин.

2. Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ижроия комитети билан келишиб, темир йўлнинг ана шу бўлими бошқармаси идоралари манзилгоҳини, унга кирувчи корхоналар ва ташкилотлар рўйхатини, шунингдек уларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга оид тадбирларни белгилаш топширилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 6 декабрь.



Суратда: қабул пайти. Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзТАГ) олган сурат.

Савдо-саноат доиралари вакиллари билан учрашув

6 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Швейцария ва Англия савдо-саноат доиралари делегациясини қабул қилди.

Ошкора ва амалий суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг Буюк Британия ва Швейцария билан иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари тилга олинди. Мазкур мамлакатлар банклари ва компаниялари билан, шу жумладан Швейцария банклари билан ҳамкорлик қилишга катта аҳамият берилмоқда. Бундай хилдаги шартномалар ва битимлар қанча тез тузилса, деб таъкидланди учрашувда, иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик шунча самарали бўлади. Шу муносабат билан халқ истеъмоли моллари ва айниқса болалар учун моллар ишлаб чиқариш мақсадида қўшма корхоналар тузиш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон маҳаллий хом ашёни қайта ишлайдиган корхоналарда илғор замонавий технологияларни жорий этишда ёрдам кўрсатиш учун келадиган хорижий мутахассисларни қабул қилишга тайёрдир.

Суҳбатда «Лонро» корпорациясининг президенти Ж. Платтс—Миллс, «ЮБС» банкининг вице-президенти Фон Шварценберг, бошқа меҳмонлар қатнашдилар.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси молия вазири Ё. Ж. Боқибоев, Ўзбекистон Республикаси иқтисод комитетининг раиси А. Маҳмудов, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқалар давлат комитетининг раиси Ў. Т. Султонов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

ЯКДИЛЛИК

Шу кунларда рўзнома таҳририятига келаётган хатлар сони ниҳоятда кўпайди. Республикамиз меҳнаткашлари Ўзбекистон Президентлигига И. А. Каримов номзоди кўрсатилганлигини дилдан олқишламоқдалар. Ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар, давлат ва жамоат хўжаликларида, аҳоли яшайдиган жойларда бўлаётган митингларда ХДП раиси, республика Президенти И. А. Каримов номзоди яқдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда.

Мана. Ўзбекистон болалар уйлари ва мактаб интернатлари ходимлари ва тарбиячилар уюшмасининг Сурхондарё вилояти бўлими хўжалик ҳисобидаги Савоб бирлашмаси жамоаси таҳририятга йўллаган телеграмма. Унда шундай деб қайд этилган: «360 нафарли бирлашма жамоаси И. А. Каримов номзоди энг муносиб номзод деб ҳисоблайди ва 29 декабрда бўладиган сайловда шу киши учун овоз беради».

Яна бир телеграммада Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бўлимининг Фарғона хўжалик ҳисобидаги автокорхона ишчи ва хизматчиларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтганлиги ва автокорхона жамоаси И. А. Каримов номзоди учун албатта овоз беришга қарор қилганлиги ҳақида сўз боради».

Қува районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигида ҳам 450 киши иштирокида митинг бўлиб ўтди. «Унда хўжалигимиз аъзолари республика Президенти аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун жуда кўп савобли ишлар қилганлиги бирма-бир тилга олинди. Ҳамма И. А. Каримов номзодини маъқуллади», — деб ёзади жамоа хўжалиги раиси А. Абдуллаев. Қашқадарё вилоятидан олинган ушбу телеграмма эса агросаноат комплекси ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси аҳди ҳақида. Касаба уюшмаси ходимлари президентликка И. Каримов номзодини қизғин қўллаб-қувватлаш билан бирга унинг жумҳурият халқи моддий турмуш шароитини яхшилаш, Республика мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги ишларига муваффақиятлар тилаганлар.

— Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси республикамизда кейинги икки йил мобайнида рўй бераётган жуда катта ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларни кўриб-билиб турибди. Бу ўзгаришлар албатта Президент И. А. Каримов номи билан чамбарчас боғлиқдир. Келгусида ҳам халқимиз бахт-саодати, фаровонлиги йўлида у киши кўп ишлар қилади деб ўйлаймиз. Жумабозор қишлоқ шўроси аҳли Ўзбекистон Республикаси Президентлигига И. Каримов номзодини яқдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар. У юртимиз, халқимиз бахтига узоқ йиллар соғ-саломат бўлсин. Бўлажак сайловда унга фақат омад тилаймиз. Ушбу телеграммага қишлоқ шўросининг раиси Б. Воҳидов имзо қўйган. Биз худди шундай мазмундаги телеграммани Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўйчи район кенгаши аъзолари ва район партия, уруш ва меҳнат фахрийларидан ҳам олдик.

— Қарши районидаги Карл Маркс номли давлат хўжалигида мингдан ортиқ киши иштирок этган йиғилиш бўлиб ўтди, — деб ёзади ушбу хўжалик Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти котиби Х. Жўраев. — Йиғилиш қатнашчилари Президентликка энг муносиб номзод И. А. Каримов эканлигини, бу номзодни давлат хўжалигининг 10 мингдан зиёд сайловчиси, бутун ковчинлик деҳқонлар яқдил бўлиб қўллаб-қувватламоқдалар. Рўзнома таҳририятига шу мазмунда келаётган хатлар орасида Ховос посёлкасидан С. Каримов, Ширин шаҳридан Т. Холназаров, Ромитан районидан Р. Барноева, М. Шодиева, Р. Қобилова, Жиззах районидаги Ш. Рашидов номли давлат хўжалиги ишчиси Ч. Чинниев ва бошқа кишилар юборган дил сўзлари ҳам бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ва республика умумхалқ референдумига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Тайёргарлик тўлқини Ўзбекистоннинг энг чекка қишлоқларигача бориб етди. Халқ ўзи ёқтирган номзод ҳақида дил сўзларини айтмоқда. Зеро, халқ сўзи — ҳақ сўздир.

ҚАЛБ ДАЪВАТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАРЧА ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли ҳамкасблар!

Республикамиз бугунги кунда ғоят оғир ва мураккаб, масъулиятли ва тарихий дамларни бошидан кечираётир. Шунинг учун ҳам биз, Тошкент шаҳрининг бир гуруҳ ўқитувчилари, Сиз азиз ва мўътабар ҳамкасбларимизга мурожаат қилмоқдамиз.

Республикамиз бу йил истиқлолга эришди. Даврнинг мураккаблиги ана шу улуғ мақсадлар — ҳақиқий истиқлол йўлидаги қийинчиликлар билан боғлиқ. Бозор муносабатларига ўтиш ўз-ўзидан бўлмайди. Ўтиш даврининг машаққатларини биз ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Бу ижтимоий ҳимоясиз қолган ўқитувчилар, халқ таълими ходимлари турмушида бирмунча қийинчиликлар туғдирмоқда.

«Ақл билан одоб ҳамиша эгизакдир» деган доно халқимиз. Бу фазилат ўқитувчиларга хосдир. Биз ўқитувчилар ҳаётимиз чароғонлари бўлган ёш авлодни жамиятни вайрон этувчи даҳшатлардан, таъна-маломатлардан халос этиб, инсоннийлик ғоялари сари етаклаб, ягона куч бўлиб ҳаракат қилиш учун интилмоқдамиз.

Ҳар бир инсон виждон амрига, ўз қалбига қулоқ бериб шуни чуқур англамоғи керакки, фақат бирлашиш туфайли оғир ижтимоий-сиёсий синовга бардош бериш мумкин.

Тарих сабоқларидан маълумки, теран — соф фикрларга қарши ўлароқ адоват уруғини сочувчи, оммани бирлашувига, ҳамфикрлигига тўсиқ бўлувчи баъзи кимсалар ҳам йўқ эмас. Аллома Абдулла Авлоний айтганидек, «Иғво ва чақимчилик энг ярамас сифат бўлгани учун бу ёмон сифатни ўзларига маслак қилиб олган кишилар халқ назарида мунофиқ саналади. Икки томонга адоват оловини ёқиб, уларни бирбиридан жудо этган кишиларнинг дилларида заррача инсонийят туйғуси бўлмайди. Булар виждонсиз, номуссиз кишилардир».

Шарқда ўқитувчи маърифат ёғдусининг тимсоли имон-инсоф, меҳр-оқибат, андиша, ор-номус, каттага ҳурмат, кичикка шафқат каби олижаноб фазилатларга эга бўлган мўътабар инсон сифатида эъзозланган. Шул сабабдан ҳам «Устоз отангдан улуғ» деган мақол бежиз айтилмаган.

Биз қалби қуёш ўқитувчиларга ёш авлодни тарбиялашдек юксак масъулият топширилган. Буни доимо ёдда тутмоқ керак. Ёшларни номақбул йўллардан қайтарайлик, ножўя ишларга йўл қўймайлик, турли вас-васаларга учмасликка чақирайлик. Шундагина ҳар бир хонадон чароғон бўлиб, гўдакнинг қувноқ кулгуси, табассуми жўш уради.

Ҳурматли ҳамкасблар! Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов бутун кучғайратини республикамизнинг ҳамма ҳудудида одамлар ўртасида миллатидан, динидан қарашларидан қатъи назар тинчлик, хотиржамлик, ўзаро ҳурмат муносабатларини, ҳар бир хонадонда осойишталик, қут-барака, эртанги кунга ишонч, ёш авлод келажаги ҳақида қайғуриш учун сарф қилмоқда. Бу ҳаракатлар амалда тасдиқланмоқда.

Президентимизнинг бизлар учун қилаётган беқиёс ғамхўрлиги бир қатор Фармонларда ўз аксини топган. Биз бу ишончни ҳалол меҳнат билан оқлашга бурчлимиз.

Биз, Сиз азиз ҳамкасблар ва мураббийларга мурожаат этар эканмиз, 29 декабрда бўладиган Республика Президентлиги сайловида номзодимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг олижаноб фаолиятини қўллаб-қувватлаб, унга яқдиллик билан овоз беришга чақирамиз.

Ғ. АБЗАЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.
Л. ГОРЯЧЕВА,
Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.
Л. ИМИНХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси.
К. МУҲАММАДЖОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.
М. СУЛТОНОВА
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи, шаҳар нойби.
Н. СЕРБИН,
Тошкент шаҳар халқ нойблари Кенгашининг нойби.
Р. ҲУСАНОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони
Ҳ. ҲОШИМОВ,
СССР халқ ўқитувчиси.
А. ҲАСАНОВА,
306-мактаб — лицей ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди.
С. КУРИПИНА,
Киров район халқ таълими касаба уюшмасининг раиси.

МАЛАЙЗИЯГА ТАШРИФ

6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Олий Кенгаш иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг раиси Э. Н. Ҳўжаев бошчилигидаги делегацияси Малайзия парламентининг таклифига биноан Тошкентдан Куала—Лумпурга учиб кетди.

13 декабргача давом этадиган ташриф чоғида делегация мазкур мамлакат парламентининг иши билан танишади, Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятларини ўрганади.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари диққатига

5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясига тайёргарлик кўруви депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи мажлиси бўлди. Бу гуруҳни республика Олий Кенгашининг Раёсати тузган эди. Парламентнинг навбатдаги сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ташкилий жиҳатдан таъминлаш масалаларини зудлик билан ҳал қилиш мақсадида тўртта кичик гуруҳ тузилди.

Олий Кенгаш фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш масалалари билан депутат Жаҳонгул Жўраевич Шарипов раҳбарлигидаги кичик группа шуғулланади (**телефон: 39-85-51**). Депутат Шовқиддин Мирзаев бошчилигидаги кичик гуруҳ сессияга материалларни дастлабки тарзда тайёрлаш ишларини мувофиқлаштиради (**телефон: 39-81-61**). Депутат Номоз Саъдуллаев раҳбарлигидаги кичик гуруҳга республика рўзномалари саҳифаларида, телевидение ва радиода Олий Кенгаш ишини ёритиш, журналистларни жойлаштириш масалаларини кўриб чиқиш топширилди (**телефон: 39-86-30**). Депутат Шавкат Ҳасанович Низомов бошчилигидаги кичик гуруҳ депутатларга ташкилий-техникавий хизмат кўрсатиш ҳамда шу сингари бошқа масалалар билан шуғулланади (**телефон: 39-49-96**).

Ишчи гуруҳи таркибига Қорақалпоғистон Республикасидан, барча вилоятлардан ва Тошкент шаҳридан сайланган халқ депутатлари, шунингдек Олий Кенгашда доимий ишлаётган депутатлар киритилди.

Сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча масалалар юзасидан ўз таклифларингизни қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин: **Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши, халқ депутатлари ишчи гуруҳига. Телефонларимиз: 39-85-07, 39-85-83, 39-86-64.**

ПАХТАКОРЛАР МАСЛАҲАТЛАШДИЛАР

Тошкентда чигит уруғи навлари масалаларига бағишланган жумҳурият семинар-кенгаши бошланди. Унда жумҳурият қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, олимлар, амалиётчи ходимлар қатнашмоқда.

Кенгашга йиғилганлар пахта майдонлари сўзсиз қисқариб бораётган шароитда деҳқонлар олдида қиммат баҳо тўқимачилик хом ашёси етиштиришнинг ялпи ҳажмини қандай сақлаб қолиш масаласи кўндаланг бўлиб турганини таъкидладилар. Бунинг иложи фақат битта — кўп тола берадиган янги юқори ҳосилли навларни ишлаб чиқаришга жорий этиш керак. Жумҳуриятда бундай навлар бор.

Семинар ишида жумҳурият Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашмоқда.

Семинар икки кун давом этади.

(ЎзТАГ).

Эшитмадим

РЕСПУБЛИКАДА

ГАЗ ҲАМ, СУВ ҲАМ БОР

● АНГОР районининг маъмурий марказидаги кўпгина хонаоларда ва бу ердаги «Коммунизм» ҳамда М. Азизов номли жамоа хўжаликларининг қишлоқларида қиш бошланиши билан зангори олов ёна бошлади. Бу аҳоли истиқомат ерларида район хизмати мутахассислари газ қувурлари ўтказиш ишларини ниҳоясига етказишди. Районда йил бошидан бери жами 40 километрдан кўпроқ газ таъминоти тизимининг қувурлари ётқизилди.

НЕФТЬ ЎРНИГА...

● ГУЛИСТОН районидаги хўжаликлар ўз теплицаларини иситишда янги, ҳозирча ғайритабиий бўлган ёқилғи туридан фойдаланмоқдалар. Шу мақсадда бу ерда рўзғор чиқиндилари—ахлат, гўнг, қипиқлардан фойдалана бошладилар. Буларнинг ҳаммаси илгари ахлатхоналарга олиб бориб ташланарди. Ҳозир эса энергия ресурсларини анча тежаш, шунингдек экология вазиятини яхшилаш имконияти пайдо бўлди.

ЎРГУТ ШИРИНЛИКЛАРИ

● УРГУТ шаҳар матлубот жамиятининг янги қандолат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Бу ерда ҳар куни ярим тоннага яқин хилма-хил ширинликлар ва қандолатлар, тортлар, пирожноелар, булочкалар тайёрланмоқда. Райони дўконлари ва мактаб ошхоналарига жами 18 хил маҳсулот юборилмоқда.

Янги корхона учун алоҳида — ўзига хос лойиҳа асосида икки қаватли бино қурилди. У юксак унумда ишлайдиган ускуналар билан жиҳозланди. Ҳамир қорадиган машиналар, крем тайёрлашда ишлатиладиган кучли миксерлар, иккита катта музлатгич камераси, умумий қиймати 45 минг сўм турадиган бошқа механизмлар шулар жумласидандир. Ана шу хўжаликка Жамол Аҳадов бошлиқ силавий жамоа раҳбарлик қилмоқда. Жамоа таркибида атиги олти киши бор. Улар маҳсулот тайёрлаш ҳамда қандолат маҳсулотларини пишириш технологиясигача бўлган барча юмушларни ўз зиммаларига олишган.

МАМЛАКАТДА

ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

● МОСКВА. Михаил Горбачев билан Борис Ельцин асосан Иттифоқ шартномасини имзолаш истиқболлари хусусида суҳбатлашдилар. Кремлда, СССР Президентининг иш хонасида бўлиб ўтган бу суҳбатни Борис Ельцин «жуда мураккаб» суҳбат деб атади.

Иккала президент суҳбатдан кейин журналистлар билан учрашиб, «Бўлажак Иттифоқни Украинасиз тасаввур қила олмаймиз» деб таъкидладилар. Борис Ельцин бу масалада Украина раҳбарияти билан мулоқот қилиш орқали бир фикрга келиш имконияти ҳақида гапириб, Минскда Украина раҳбарлари билан бўладиган учрашувда ҳамжиҳатликка эришишдан умидвор эканлигини айтди.

МОЛДОВА ПАРЛАМЕНТИ РАИСИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● КИШИНЕВ. Молдова парламентининг раиси Александру Мошану СССР Президенти Михаил Горбачевнинг иқтисодий ва давлат танглигидан чиқиб олиш учун биргаликда куч-ғайрат сарфлашга қилган даъватига ўз фикрини билдирди. У жумладан бундай деди: Молдова мустақиллик тўғрисидаги декларацияни қабул қилиб, тангликдан қандай чиқишни ўзи ҳал қилди. Михаил Горбачевнинг мурожаатига депутатлар қандай фикр билдирганига келганда эса, деди А. Мошану, бу 10 декабрда, республика парламентининг сессияси очилганда маълум бўлади.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ КЕНГАШИ

● СССР Президенти М. С. Горбачев «СССР Президенти ҳузурида инсонпарварлик ёрдами кенгашини тузиш тўғрисида» фармон чиқарди.

Бу кенгаш чет эл инсонпарварлик ёрдамидан фойдаланишни ташкил этувчи собиқ марказий комиссиянинг ҳуқуқий ворриси бўлиб, мана шундай ёрдам миқёслари кенгайиб бораётганлиги, уни одилона тақсимлаш зарурлиги ҳамда давлат идоралари ва жамоатчилик томонидан тегишли назорат керакли муносабати билан тузилди.

ХОРИЖДА

ПОЛЬШАДА ИШ ТАШЛАШ

● ВАРШАВА. Польшанинг Вроцлав шаҳрида қуйи Силезия минтақасидаги ишсизлар ва «Бирдамлик» касаба уюшмаси аъзоларининг кўп минг кишилик норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари ҳозирги ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига қарши чиқдилар.

ЕВРОПА ХАВФСИЗЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

● ПРАГА. Марказий ва Шарқий Европада барқарорлик ҳамда фаровонликни таъминлаш — Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган конференциянинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Халқаро тинчлик ва хавфсизлик масалалари Канада илмгоҳининг директори Бернард Вуд «Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш ва Европадаги хавфсизликнинг келажаги» мавзуида бу ерда очилган конференцияда шундай фикрни билдирди.

ГЕРМАНИЯДАГИ ЯНГИ КАШФИЁТ

● БОНН. Германиянинг Ганновер шаҳри яқинидаги Штадтхаген шаҳрида жойлашган «ТТЦ — микроэлектроник ГМБХ» фирмаси мутахассислари қўл соатлари ва рўзғорда ишлатиладиган митти электрон аппаратлар учун янги элемент ишлаб чиқдилар. Ташқи кўриниши жиҳатидан бу батарейкалар одатдаги «тугмача» элементлардан фарқ қилмайди. У литий негизида тайёрланган бўлиб, симоб ва оғир металлар бирикмалари йўқ, бинобарин атроф-муҳит учун мутлақо зарарсиз. Ана шу батарейка ўрнатилган соат 20 йил тўхтовсиз ишлайди.

БУШНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● ВАШИНГТОН. «Гарчи Совет Иттифоқида рўй бераётган ривожланиш жараёнлари азиятли бўлса ҳам, ҳар ҳолда у ҳамон яшаб турганлиги шубҳасиз, — деди АҚШ Президенти Жорж Буш пайшанба куни Оқ уйда журналистлар билан суҳбатда. — Украина аҳолисининг аксарият кўпчилиги ўз республикасининг мустақиллигини ёқлаб овоз бергани, Россиядаги ислоҳотлар илгари силжиётганини кўриб турибмиз, марказдаги М. Горбачев ислоҳотларга содиқлигини кўриб турибмиз. Биз ривожланиш жараёнларининг тинч руҳини таъминлаш соҳасида биргаликда ишлаяпмиз, чунки қуроллароғларга, ядро қуролини йўқ қилиб ташлашга ва бошқа масалаларга боғлиқ бўлган катта, беннҳоя муҳим муаммоларни ҳал этишга тўғри келяпти». «Биз Совет Иттифоқининг муаммолари ҳал этилишида бундан буён ҳам қатнашиш ниятидамиз», деб таъкидлади АҚШ Президенти.

[ТАСС, ЎзТАГ ва марказий рўзномаларининг хабарлари асосида тайёрланди].

деманглар

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ. А. Аҳмедов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови сайлов бюллетенининг матни ва шакли тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг раиси Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳамда «Эрк» демократик партиясининг раиси Муҳаммад Солиҳ (Салой Мадаминов) номзодларини сайлов бюллетенига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Комиссия савдо ва алоқа вазирликларининг, давлат матбуот комитети ва Ўзбекбирлашувнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ва республика референдумига тайёргарлик борасида олиб бораётган ишлари тўғрисидаги ахборотни тинглади.

Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети, Ўзбекистон ахборот бошқармаси, «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Правда Востока» рўзномалари раҳбарларининг улар сайлов кампаниясини қандай ёритаётганликлари тўғрисидаги ахборотлари тингланди. Комиссия сайловолди мақолаларини эълон қилиш ҳамда уларнинг чиқишларини уюштириш жараёнида президентликка номзодларга тенг шароит яратиш ҳамда сайлов кампанияси холис ёритилишини таъминлаш зарурлигига оммавий ахборот воситалари эътиборини қаратди.

Халқ депутатлари Фарғона ва Тошкент вилоят Кенгашлари раҳбарларининг ҳамда тегишли округ сайлов комиссиялари раисларининг сайловга тайёргарлик борасида олиб бораётган ишлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Комиссия сайлов кампаниясини ўтказишга алоқадор бошқа бир қанча масалаларни ҳам кўриб чиқди. Барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

МИНТАҚА БИНОКОРЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН МУАММОЛАР

Бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон бинокорлари олдида кўплаб муштарак муаммолар пайдо бўлди. Эски иқтисодий алоқалар узилмоқда, маҳсулот етказиб бериш вазифалари бажарилмаяпти, ускуналарнинг катта қисми мутлақо эскириб қолди, малакали мутахассислар кетиб қолмоқда...

Минтақа қурилиш мажмуи раҳбарларининг 5 декабрь куни Тошкентда бўлган кенгаши ана шу муаммоларни ҳал этишга бағишланди. Тармоқ вазирлари ва уларнинг ўринбосарлари, давлат концернларининг президентлари, уюшмалар ва тижорат марказларининг раислари, беш жумҳуриятнинг етакчи иқтисодчилари юзага келган вазиятни танг вазият деб баҳоладилар.

Бинобарин, дейишди йиғилишга тўпланганлар, ундан чиқишнинг иложи бор. Мавжуд алоқаларни узмаслик, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш зарур.

Биринчидан, ҳамкорлик мустақил жумҳуриятлар қурилиш мажмуаларини бошқариш тизимларини қайта ташкил этишда кўпгина хатолардан ҳоли бўлишда ёрдам беради. **Иккинчидан,** рўй берган вазиятдан ресурслар ёрдамида чиқиш йўлларини биргаликда излаб топиш зарур. Яккаланган ҳолда қудратли саноат базасини вужудга келтириб бўлмайди. Куч-ғайратларни бирлаштириш керак. Масалан, минтақада ойна ниҳоятда тақчил бўлиб қолди. Айни вақтда Қозоғистонда кальцинацияланган сода ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, унинг негизида Қозоғистонда ҳам, қўшни Қирғизистонда ҳам шиша заводлари қуриш мумкин. Ҳамма учун линолеум етишмаслиги умумий муаммо бўлиб турибди. Уни ишлаб чиқарадиган заводлар бор, лекин унга зарур бўлган ПВХ елими йўқ. Қозоғистон бир-бири билан шерик бўлган жумҳуриятлар қурилиш мажмуалари ёрдамида линолеум ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун тайёрдир.

Масалан, Тожикистонда тақчил «дурадгорлик» буюмларини алмаштириш муаммоси ҳал қилинмоқда. Бу ерда алюминийдан дераза ромлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар ва уни Ўзбекистонга ҳам етказиб бермоқдалар. Фольга йўқлиги сабабли минтақада томга ёпиладиган буюмлар ишлаб чиқарувчи қувватларнинг атиги ярмиси ишлаяпти. Тожикистон меҳнаткашлари ўзлари учун ҳам, шериклар учун ҳам уни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга киришмоқчилар. Бунинг эвазига бошқа бир қанча тақчил материалларни олишга умид қилишмоқда. Туркманистон вакиллари эса ғовакли иссиқлик сақловчи материаллар, сопол плиталар таклиф қилишмоқда. Лекин ўзларининг ёғочлари, металл ва цементлари йўқ...

Ҳар бир жумҳурият қурилиш ташкилотларининг эҳтиёжи ва имкониятларини аниқлашга ёрдам бера оладиган мувофиқлаштирувчи марказ зарур. Минтақа тармоғи раҳбарлари шундай мувофиқлаштирувчи марказни тузишга, у Тошкентда бўлиши хусусида қарор қабул қилдилар. Марказнинг ишчи идоралари Бишкек, Душанбе, Ашхобод ва Олмаотада бўлади. Шартномавий асосда амалга ошириладиган бошқа бир қанча дастурлар ҳам режалаштириб олинди.

Кенгаш қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов қабул қилди.

(ЎзТАГ мухбири).

• *Мустақиллик йўли—истиқлол йўли*

ХАЛҚҚА СУЯНГАН ЙИҚИЛМАЙДИ

П. АБДУРАҲМОНОВ,

халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг раиси, СССР Олий Кенгашининг депутати.

●

ГАПНИНГ очиғини айтадиган бўлсак, мамлакатимизда кейинги пайтда рўй бераётган воқеалар ҳеч қандай ғайритабиий эмас. Вазиятнинг ўз оқимида пишиб етилиши бизни бугунги кунга олиб келди. Чунки жамиятнинг ўзи қандайдир ўзгариш бўлишини сезиб, кутиб турганди. Ана шу кутилган жараён рўй берди. Аммо бу ўзгаришлардан халқнинг, қолаверса бизнинг ҳам кўнглимиз тўлмади. Айниқса август ойидаги уч кунлик давлат тўнтаришига уриниш иттифоқдош республикалар сабр-косасини тошириб юборди ва улар ўз мустақилликларини билдиришга мажбур бўлдилар.

Исёнчилар устидан ғалаба қозонилганда, республикалар ўз мустақиллигини эълон қилганда қувончимиз бир олам бўлди. Аммо сиёсий эркинликка эришдигу, турмушдаги муаммолар асли ҳолича қолиб кетаверди. Аксинча улар янада чуқурлашди. Келажагига катта умидлар боғлаган қайта қуриш йўли бизни танг кўчага олиб келганлигини эндиликда кўриб турибмиз.

Ҳа, эскича буйруқбозлик услуби барбод бўлди, аммо бозор иқтисодиёти унинг ўрнини ҳали бери эгаллай олмаяпти. Марказнинг ҳам бошқарув қудратига путур кетди. Ҳукумат ихтиёри республикаларга ўтди. Мамлакат миқёсида КПСС ва унинг тузилмалари фаолиятининг тўхтатилишини одамлар одатий ҳол деб билишди. Ҳамма бирданига партиявий ҳокимиятнинг буйруқбозлик услубидан воз кечмасдан туриб жамиятни ривожлантириш мумкин эмаслигини тушуниб етди.

Назаримда энг муҳими бир қатор республикаларда мустақилликка эришиш жараёнининг юзага келишидир. Бироқ бу жараённи ҳеч қачон Иттифоқнинг тарқалиб кетиши деб тушунмаслик керак. Чунки республикаларнинг кўпчилиги Иттифоқсиз яшашни тасаввур ҳам қилолмайдилар. Гап бу ерда ана шу Иттифоқнинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақил, қудратли бўлиши устида кетяпти. Ҳар қандай ҳолатда ҳам иттифоқдош республикалар ўзаро алоқаларни узмасликлари зарур. Биз бир-биримиз билан савдо қиламиз, оғир кунларда ёрдам берамиз, бориб-келиб турамиз. Умуман биз қурмоқчи бўлаётган комил жамиятда ўзаро муносабатлар ана шу асосда қурилади. Бу алоқалар албатта миллий нифоқлар, фуқаролар уруши ва иқтисодий таназзулнинг олдини олади.

Мол айрибошлаш кўплаб корхона ва хўжаликларга зарар келтираяпти. Одатдаги савдо ўрнига келган бу усул туфайли хўжалик юритиш алоқалари бузилди. Товар ва хом ашё эгасига тўғридан тўғри эмас, балки ўнлаб, юзлаб даллоллар орқали етиб боради. Демак, якка ҳокимликнинг сояси ҳали ҳам бор. Фақат энди у сиёсий куч сифатида эмас, балки бошқачароқ тарзда намоён бўлаётир. Аммо бизга бу сира ҳам мақбул эмас, балки НЭП давридагидек мустаҳкам молиявий ва иқтисодий сиёсат керак.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, мол тақчиллиги инқироз тўлқинини кучайтираётган бир пайтда қандай чора кўриш зарур. Афсуски, инқироз устидан ҳеч қандай назорат йўқ. Хўш, бундай пайтда нима қилишимиз керак?

МУСТАҚИЛЛИК ярим-ёрти эмас, тўла том маънода бўлиши даркор. Демоқчиманки, жумҳуриятимиздаги барча моддий ва маънавий бойликлар ўзбек халқига, Ўзбекистонда яшовчи барча халқларга тегишли бўлиши лозим. Жамиятнинг ҳозирги аҳволида қайси миллат, сиёсий партия ёки норасмий уюшмага аъзо бўлишидан қатъи назар, ҳеч қайси фуқаронинг қадр-қиммати топталишига, камситилишига йўл қўймаслигимиз керак. Шу боисдан бугуннинг вазифаси мансаб, лавозим талашиш эмас, балки республика бойлигини кўпайтиришдан, қадриятини оширишдан иборатдир. Дунё бозорига чиқиш учун кўпроқ ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарайлик. Манфаатли савдони, мол айрибошлашни тўғри йўлга қўяйлик, ўз фуқароларимизни тўйдириш, кийинтириш ҳақида ўйлайлик. Хуллас, жумҳуриятда яшовчи ҳар бир фуқаро ўз насибасидан бебаҳра қолмасин.

Республика мустақиллиги вилоят ва районлар муносабатида шаклланади. Вилоятларнинг марказ билан иқтисодий муносабатлари иккала томоннинг манфаатлари асосида қурилади. Ана шундагина ижтимоий адолат принциплари қарор топади. Ҳар бир меҳнат жамоаси ўзи истагандек яшайди ва ишлайди. Ўзбекистондаги барча воҳа ва водийларнинг ўзига хослиги, албатта ҳисобга олиниши зарур.

Мисол учун бизнинг вилоятда туризм жуда катта фойда бериши мумкин. Бироқ, йиллар давомида биз туризмдан тушадиган маблағлардан фойдаланиш имкониятидан бебаҳра қолдик. Барча пул ва чет эл валютаси Москвада қолиб кетаверди. Ёдгорликлар таъмири эса маҳаллий бюджет ҳисобига амалга оширилди. Шу боисдан тарихий ёдгорликлар бугунги кунга келиб ёмон аҳволга тушиб қолди. Шунинг учун ҳам туризмда ишбилармонлик фаолиятига эркинлик бериш чет эл ва мамлакатимиздан келаётган сайёҳларга хизмат кўрсатиш савиясини яхшилашга, ёдгорликларни таъмирлаш учун кўпроқ маблағ ажратишга кўмаклашади, деган умиддаман. Маблағнинг бевосита шу ернинг ўзида тўпланиши, шу хизматга алоқадор кишилар манфаатдорлигини оширади, обидалар умрини узайтиради.

Ўз навбатида вилоятларда ҳам районларнинг ўзига хослиги ҳақида ўйлаб кўрилса яхши бўларди. Жумладан, биз Самарқанд атрофидаги Оқдарё ва Жомбой районларини келгусида боғдорчилик-мевачилик минтақасига айлантириш устида иш олиб бораяпмиз. Районларгина эмас, корхона ва хўжаликларга ҳам кўплаб эркинликлар бериляпти.

Жамиятдаги ўзгаришларга ҳар ким ҳар хил баҳо беради. Баъзилар гапдонликни ташлаш, ишлаш керак, деса, бошқа бировлар аввал ҳокимият, тузум масаласини ҳал қилиб, кейин ишлаш керак демоқдалар. Аммо мен сиёсий ва иқтисодий курашни бир-бирисиз тасаввур қила олмайман. Сиёсат ва иқтисод давр талаби асосида бир-бирига мос тушсагина жамиятга фойда беради. Мабодо улардан бирортаси оқсаб қолса, иккинчисига ҳам путур етади. Дарвоқе иккаласи ҳам жамият тараққиётининг қонунларига бирдек бўйсунади. Мен жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий даражасини ошириб бориш тарафдориман. Шу ўринда кишиларни уларнинг сиёсий эътиқоди учун таъйиқ қилишга мутлақо қаршиман. Ҳамма жойда бўлгани каби бизнинг вилоятда ҳам хўжалик, ер ва бошқа масалаларда айрим гуруҳ кишилар билан маҳаллий ҳукумат органлари ўртасида келишмовчиликлар бўлди. Бироқ ҳамма вақт биз куч ишлатмасдан, масалани ишонтириш, тушунтириш йўли билан ҳал қилдик.

Мамлакат иқтисодиётидаги бошбошдоқлик вилоятимизда ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Аламзадалик билан давлат буюртмаларидан воз кечиш туфайли ўнлаб корхоналаримиз хом ашёсиз, материалсиз қолди. Мол айрибошлаш усулига ўтгач, кўпгина жамоалар фойда ўрнига зарар кўрмоқдалар. Бундай аҳволга тезда чек қўйиш керак.

Шунга қарамасдан, саноат корхоналари яхши ишладилар. Шу йилнинг ўтган ойларида 1990 йил шу даврдагига қараганда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2 фоизга ўсди. Биз бозор муносабатларига ўтиш билан бирга ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш қийинлаша боришини унутаётганимиз йўқ. Шу боис мамлакатдаги йирик саноат марказларига бас кела оладиган бозор инфраструктурасини яратишга ҳаракат қиляпмиз. Вилоятда ишбилармонлик ва кичик корхоналар фаолиятига кенг йўл очиб қўйганмиз. Товар биржаси икки ойдан бери кўп ишларни қилиб берди. Рақамлар тили билан айтганда бугунги кунда вилоятда 4 та қўшма корхона 1.100 та кооператив, 309 та кичик корхона, 5 та тижорат банки, 5 та ташқи иқтисодий уюшма, 12 та акционерлик жамияти, 2.191 та ижара пудратидаги ва 7 та хусусий корхона ишлаб турибди.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини, унинг меҳнаткашлари савиясини кўтармасдан туриб бозор муносабатларига ўтиб бўлмайди. Шу боисдан биз қишлоқда фермерлик ҳаракати ва оилавий ҳамда бригада пудратини ривожлантиришга эътибор бераяпмиз. Ҳозирги пайтда қишлоқда 239 та фермер ва деҳқон хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари бугунга қадар 30 минг гектар ер жамоа ва давлат хўжалиги аъзоларига, қишлоқда яшовчи бошқа кишиларга бўлиб берилди. Одамлар ўз ерларида мўл-кўл ноз-неъмат етиштиришни ўйламоқдалар. Бу эса юртимиз бойлигини, дастурхонимиз мўллигини таъминлайди. Ҳали вилоятимизда ҳал қилиниши зарур бўлган юмушлар кўп.

Ўз-ўзидан маълумки, энди турмушимизга Халқ демократик партияси билан бирга янгича ғоялар, умуминсоний қадриятлар ва халқ-демократик анъаналарини акс эттирувчи янги мафкура кириб келяпти. Маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш кечириши учун курашмоқчи бўлган янги партия ана шу қадриятларни ўзида акс эттириши лозим. Халқ демократик партиясининг Ҳаракат дастури ва Низоми билан танишган минглаб коммунистлар янги партиянинг бу йўлини муносиб баҳоламоқдалар ва муқобил йўналишда унга ҳамроҳ, йўлдош бўлмоқдалар.

Мен авваламбор, дилимда тугиб юрган сўзларимни, фикрларимни кўпчиликка етказишга имкон бергани учун «Ўзбекистон овози» рўзномаси муҳарририятига миннатдорчилик билдираман. Бу рўзнома доимо менинг ҳамроҳим ҳисобланади. Умуман ҳозир матбуотнинг роли бирмунча ошди ва унинг вазифасига ҳам ўзгаришлар кирмоқда. Менга журналистлардаги дадиллик, журъат ва қатъиятлилик ёқади. Фақат ана шу фазилатлар жамиятдаги барча яхши кучларни қўшишга, турмушимизни ҳар хил иллатлардан тозалашга хизмат қилсин. «Ўзбекистон овози» қаламкашлари жумҳуриятимиздаги воқеа-ҳодисаларга теран кўз билан қарайдилар, ҳар хил шов-шувларнинг ортидан қувмай халқ дарди, ташвишини ёритишга интиладилар. Келгусида ҳам рўзнома ижодий ходимларига ана шундай қатъиятлилик тилайман.

• *ЯНГИ КИТОБЛАР*

«МАТБУОТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ»

«Халқлар дўстлиги» орденли «Ўзбекистон» нашриёти «Матбуотимиз фидойилари» китобини босмадан чиқарди. Уч бўлимдан иборат бу тўплам жўшқин ҳаётимиз ойнаси, халқимиз минбари, унинг маслаҳатгўйи ҳисобланган матбуотимизнинг фидокор кишилари ҳақида ҳикоя қилади.

«Барҳаёт сиймолар» деб номланган бўлимда сиз Туркистонда биринчи расмий большевистик, эркин, демократик матбуотнинг бешигини тебратган ўтюракли табаррук авлоднинг вакиллари, Туркистон журналистикасининг шаклланишида фаол иштирок этган матбуотимиз фидойилари, бутун онгли ҳаётини, ақл-заковатини матбуот ишига бахшида этган заҳматкаш ва забардаст қалам соҳиблари билан танишамиз. Шунингдек, Улуғ Ватан уруши йилларида қўлига қалам ва қурол олиб жанг қилган журналистлар, умр бўйи газета, журнал, нашриёт ва босмахоналарда зўр эҳтирос билан самарали меҳнат қилиб из қолдирган барҳаёт сиймолар ҳақида билиб оласиз. Уларнинг мўборак номлари дилдан ўчмайди, тилдан тушмайди. ҳамкасбларимиз қалбида ҳамиша тирик сиймодек сақланади.

«Ветеранларимиз» бўлимида туғён урган қалб қўрини оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ишига бағишлаган, фикр доираси теран, ўзларининг мақолаларида халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати, жасорати ва шижоатини улуғлаган, мароқли ва ёрқин фикрларни кўтариб чиққан, Улуғ Ватан урушида қатнашиб зафар онларини яқинлаштиришга муносиб ҳисса қўшган фахрий журналистлар билан танишасиз. Улар матбуот, телевидение, радиода жонбозлик ва ташкилотчилик кўрсатиб фидокорона меҳнат қилган ҳамда жуда кўп шогирдлар тайёрлаб етиштирган фидойи, талантли ва ҳурматли истеъдод эгалардир.

Ҳаётнинг бошқа ҳамма соҳаларида бўлганидек, матбуот оламида, телевидение, радио ва нашриёт-матбаачилик ишларида ҳам ҳозир жуда катта ўзгаришлар рўй бераётир. «Ҳамкасбларимиз» бўлими қайта қуриш жабҳасининг олдинги сафида қалам тебратаётган, замонамизнинг мураккаб ва зиддиятли воқеаларини ипидан-игнасигача билиб олишга, уларга нисбатан ўз муносабатларини билдиришга, ҳодиса-воқеаларни чуқур таҳлил қилишга интилаётган, кекса журналистларнинг ижодий лабораториясидан фойдаланиб, уни бойитаётган серғайрат, зийрак ва ташаббускор журналистлар ҳақида ҳикоя қилади.

Тўпламни тузиб, нашрга тайёрлаган «Ўзбекистон матбуоти» ойномасининг бош муҳаррири, жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими Зиёд Есенбоев кўп савобли иш қилган.

• «Ўзбекистон овози» материаллари изидан

«ДИЛДА ИСТАК БЎЛМАГАЧ»

Рўзномамизнинг шу йил 18 сентябрь сонида юқоридаги сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Унда Самарқанд шаҳри раҳбарлари миллий қадриятлар тикланаётганлиги, давлат тили ҳақидаги қонун ижро этилаётгани ҳақида кўп гапириб, амалда рус тилида сўзлаб, мажлис ва йиғилишларни русча олиб боришаётгани таниқид қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ШАҲАР КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДАН расмий жавоб олинди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

— Мақола шаҳар ижроқўмининг «Ўзбекистон Давлат тили» ҳақидаги Қонунини рўёбга чиқаришни назорат қилиш ҳайъатининг мажлисида кўриб чиқилди. Унда кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш борасида халқ депутатлари Боғишамол район ижроқўми ва шаҳар ижроқўмининг тегишли бўлимларига чоралар кўриш вазифаси юклатилди.

Ижроқўм раисининг муовини С. АХМЕДЖАНОВА.

ТАҲРИРИЯТДАН: Қисқа ва мужмал жавоб! Чунки мақолада асосан шаҳар ижроқўмида ҳанузгача иш юритишда ўзбек тилига ўтилмаганлиги аниқ далиллар орқали очиб берилган эди. Мисол учун мақоладаги қуйидаги жумлаларни келтириш мумкин:

«Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси А. Баҳромов нуфузли идораларни бошқарган киши.

— Раисимиз ҳайъат мажлисларини фақат рус тилида олиб боради, — дейди қўмита раиси ўринбосари Ш. Жаҳонгиров»...

«Яқинда Боғишамол район Кенгаши котибияти бошлиғи лавозимига Н. Мишанина тайинланди. Нина Ивановнанинг таъкидлашича, Самарқандда ўзбек тилини ўрганишга ҳожат йўқ...» «Кўчалар, ўқув юртлари, хўжаликлар номини ўзбекчалаштириш Қонун ижросининг йўналишидир. Бироқ бу борада ҳам ишлар юришгани йўқ...»

Ўртоқ С. Ахмеджанова эса, мақоладаги далилларни чуқур текшириб, амалий тадбирлар белгилаш, уларнинг бажарилишига эришиш ўрнига тегишли бўлимларга чора кўришни юклаб қўя қолган.

«МУАММО МУАММОЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА»

Рўзномамизнинг шу йил 26 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола чоп этилган бўлиб, унда Сурхондарё областидаги Гагарин районн аҳолиси транспорт хизматининг нўнгилдагидек эмаслигидан қийналаётганлиги баён этилганди. Муҳарририятга айтиб ўтилган камчилик ва муаммолар қандай ҳал этилганлиги, бу борада белгиланган режалар ҳақида ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВАЗИРЛИГИДАН расмий жавоб келди:

— Мақола вазирликда жиддий муҳокама қилинди. Гагарин районида мустақил автокорхона ташкил қилиш масаласида «Узавтотранстехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари томонидан техник-иқтисодий ҳисоблаш ўтказилиб қуйидаги хулосага келинди:

Районнинг келажакда ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ҳисоб-китобларга кўра 1995 йилда аҳолининг транспортга бўлган талабини қондириш учун Гагарин районига 52 та автобус ва 4 та такси зарурлиги аниқланди. Ҳозир район аҳолисига 40 та автобус хизмат кўрсатмоқда. Бундай кам сонли транспорт воситалари учун мустақил автокорхона ташкил қилиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

Юқорида айтилганларга мувофиқ, 1994-1995 йилларда тариф нархларининг ўзгаришини, районнинг келажакда ривожланишини ҳисобга олиб, вазирлик аҳолига хизмат кўрсатадиган ёки аралаш автокорхона ташкил қилиш ҳақида қўшимча техник-иқтисодий ҳисоб-китоб ишларини ўтка зади.

«Комсомолобод — Янгиобод» маршрути бўйича транспорт қатновининг ёпилиши ва темир йўл орқали ўтадиган йўлнинг очилишини тезлаштириш масаласида қуйидагиларни хабар қиламиз:

Йўлнинг транспорт қатнайдиган қисмини таъмирлаш ишлари Ўзбекистон Йўллар вазирлиги, темир йўлдан ўтадиган жойни таъмирлаш ишлари эса Ўрта Осиё темир йўллар бошқармаси томонидан бажарилиши даркор.

Автомобиль транспорти вазирлиги юқорида номлари қайд қилинган ташкилотлар ва маҳаллий ижроия қўмита раҳбарларига бу масалада бир неча маротаба мурожаат этган. Аммо мазкур ташкилотлар масалани ижобий ҳал қилишга шошилишмаяпти.

БИРИНЧИ ДОВОН

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУХБИРИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

«БУХАРААРАЛВОДСТРОЙ» ТРЕСТИ МЕЛИОРАТОРЛАРИ БУХОРО — ОРОЛ БОШ СУВ ТАШЛАМАСИНИНГ ДАСТЛАБКИ 87 КИЛОМЕТРИНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРДИЛАР.

Бухороликлар оддий қилиб «Шўрдарё» деб атаган бу улкан коллектор иншоотини қуришдан мақсад катта: Бухоро ва Қашқадарё воҳаларининг ҳозиргача Амударёга оқизилиб, унинг қуйи оқимига экологик зиён етказаётган зах сувларни Орол денгизигача алоҳида ўзан бўйлаб етаклаб боришдан иборат.

Амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб Оролгача чўзиладиган бўлажак коллекторнинг биринчи навбати бош сув ташламаси деб аталади — асосан Бухоро вилоятининг Қоракўл ва Олот районлари бўйлаб ўтади. Воҳанинг оқава сувлари, айниқса, мана шу районлар экин майдонларининг аҳволига катта зиён етказмоқда.

Бош сув ташламаси қурилишига 1986 йилда киришилган эди. Ўтган беш йил мобайнида унинг қурилишига 50 миллион сўмдан зиёд давлат маблағлари сарф этилди. Қурилиш механизмлари, шу жумладан улкан ўрмаловчи экскаваторлар ёрдамида 100 миллион куб метрдан кўпроқ тупроқ ишлари амалга оширилди. Иккита йирик кўприк, сув иншооти барпо этилди. Келажакда бунёдкорлик ишлари миқёсини яна кенгайтириш мақсадида саноат базаси, автомобиль хўжалиги, механика устахоналари, Коғон ва Олот шаҳарларида қурувчи ва механизаторлар учун уйжойлар барпо этилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши мелиораторлар кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Алоҳида масъулият билан иш тутдилар. Фирдавс Жепперов, Анатолий Незванов, Ғайбулла Оғаев, Александр Пожитков, Илёс Юсупов сингари серғайрат механизаторлар зарбдор қурилишида чинакам матонат кўрсатмоқдалар.

Трест бунёдкорлари билан бир қаторда «Амубухараканалстрой» бошқармаси, «Бухараирстрой» трести мелиоратор ва ирригаторлари ҳам қурилишнинг дастлабки навбатини тезроқ битказиш учун мардона меҳнат қилдилар. Ҳамкорлик ва уюшқоқлик ўз самарасини кўрсатди. Куни кеча қурилишнинг Ёмонжар насос станцияси яқинидаги 876-манзилда Шўрдарёнинг дастлабки 87 километрлик ўзани фойдаланишга топширилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Карнай-сурнай садолари остида насос станциясининг ана шу сув ташламасидан ажралиб турган тупроқ кўтармаси ажралиб, тўпланиб турган шўр сувлар янги қазилган ўзан бўйлаб шарқираб оқиб кетди. Янги коллектор ҳар секундда 74 куб метр зах сувларни ҳеч қандай насослардан фойдаланмай оқизиш қувватига эга.

Дастлабки қувватларнинг фойдаланишга топширилиши туфайли Олот ва Қоракўл районларидаги деярли 30 минг гектар майдонда ер ости сувларининг даражасини кескин пасайтириш имкони туғилмоқда. Янги ўзан орқали шўр сувнинг оқизилиши муносабати билан ҳозиргача кеча-ю кундуз ишлатилган Ёмонжар мелиоратив насос станциясини тўхтатиб, 500 минг киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилиш мумкин бўлди.

Тантанали йиғилишда сўзга чиққанлар катта иншоот қурилишини давом эттириш бўйича вазифалар тўғрисида гапирдилар. Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг раиси, СССР халқ депутати Д. С. Ёдгоров тўпланганларни Ўзбекистон Президенти номидан катта меҳнат зафари билан қизғин табриклади, масъулиятли вазифаларни бажаришда янгидан янги муваффақиятлар тилади.

Йиғилишдан кейин «Бухарааралводстрой» трести нинг бошқарувчиси А. Қ. Чўлиев билан учрашиб, янги йилда мелиораторлар олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида суҳбатлашдик.

— Улкан қурилишдаги ишлар ҳажми йил сайин ортиб боради, — дейди у. — Келгусида ҳар йили 150 миллион сўмдан капитал маблағ ўзлаштирилиб, 1994 йилда оқава сувларни Амударёга ташлашни тўхтатиш кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда вилоятдаги тупроқ қазиш ва тупроқ суриш қувватларининг асосий қисмини мана шу иншоотга сафарбар этиш мўлжалланмоқда.

Ҳа, Шўрдарё бунёдкорлари дастлабки довондан ошдилар. Атроф-муҳитимизни соғломлаштириш учун ҳали кўплаб бундай довонларни забт этишга тўғри келади.



СУРАТЛАРДА: Бухородаги Шўрдарё коллекторида зарбдор меҳнат қилаётган қувур ўраш устаси В. Айдамаров, машинистлар (чапдан ўнгга) В. Карпенко, З. Гильмутдинов, У. Толибов, А. Ефримов, В. Солдатов ва В. Ефремовлар; сув йўли қувурларини ётқизиш пайти.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

● ЎЗБЕКИСТОН пойтахти Тошкентда очилган республика чет тилларни ўқитиш марказида қарийб 900 тингловчи шуғулланмоқда. Бу ерда машғулотларни ўз касбининг усталари, етук мутахассислар олиб боришмоқда. Бу ернинг ўзида бир неча чет тилни ўрганиш мумкин.

СУРАТДА: тингловчилар танаффус пайтида ўзаро баҳслашмоқдалар.

С. ВЕЛИЧКИН (ЎзТАГ) олган сурат.

ҲАМКОР, ҲАМНАФАСМИЗ

Дам олиш куни эди. Қўринишдан қариндош-уруғлар бўлишса керак бир гуруҳ кишилар Янгибозор автостанциясига кириб келишди. Жуда қувноқ эдилар. Уларнинг бир-бирларига нисбатан ширин-забон сўзларини эшитиб бекатдагилар ҳавас билан қараб туришарди.

Лекин... бирдан шов-шув кўтарилди. Бу ҳодисага ўша гуруҳдан ажралиб чиқиб, кассага борган ва патта сотувчи билан ади-бади айтишиб қолган йигит сабабчи эди.

— Нега рус тилида жавоб берасан, ўзбек тилида гапиришни қачон ўрганасанлар, жазаваси тутди савлатли, ҳозиргина хушрўй маданиятли кўринган йигитнинг. Патта сотувчи корейс аёл ҳанг-манг бўлиб қолди.

Одамлар уни тартибга чақиришди. Тил ўрганиш осон эмас, ҳар ким ҳар хил ўзлаштиради. Ўзбек тилида сўзлашишни ҳам ўрганиб қолар, шунга шунчалик ажоиб солиш керакми, дея онахонлар ҳам, отахонлар ҳам танбеҳ бериб, ранжишди.

Афсус, минг афсуски, бундай ҳоллар жамоа ўртасида, хоҳ транспорт, хоҳ кўча, кино-театрда бўлсин учраб турибди. Тил баҳона бир-биримизни ҳақорат қилиш, камситишга борилмоқда, инсон деб аталмиш ноёб қалб ришталари заҳарланмоқда...

Мен кекса коммунист, уруш ва меҳнат ветераниман. Оилам, зоти-зурриётим 10 га яқин миллатдан иборат. Ўзбек, қозоқ, рус, татар, уйғур, қирғиз, тожик... Сиз нотаниш йигит қайси миллатнинг дилини оғритманг, қайси миллатни камситманг суягим зирқирайди, дилим оғрийди...

Сиз билан учрашув 1937 йилни эсимга солиб юборди. Қишлоғимизга юзлаб—минглаб корейс чоллари, аёллари, норасидалари кўчириб келтирилган эди. Улар ҳам давр тақозоси билан ўз юртини ташлаб келаётган «бечоралар» эди.

Корейс, халқи ўта меҳнаткаш, тадбиркор, ҳунарманд, ишбилармон эканликларини исботлади. Бир йил ўтар-ўтмас тўқайзор ботқоқлар ўрнида турна қатор турар жойлар, колхоз идоралари, болалар боғчалари тикланди. Шолининг янги навларини ихтиро этиб, қишлоғимиздаги шоликорларга шолидан юқори ҳосил етиштириш йўлларини ўргатишди.

Бу ҳунарманд халқ қўл тегирмони, обжувоз, сўқа, омочни ишга солиб юборишди. Улар турли ўй-рўзғор буюмларини қўлда ясашни ҳам билишади.

Қишлоғимиз одамлари корейслар билан на фақат дўст-иноқ, қуда-қудағайлашиб ҳам кетишган.

1937 йилда қишлоғимизга Фарғона водийсидан ўзбеклар кўчирма қилинди. Улар умрида пахтачилик билан шуғулланмаган шоликорларимизга чигит экиш, пахтакорлик касбини, соҳибкорлик, сабзавотчиликни ўргатишди. Сўнгра қишлоғимизга украинлар, руслар, немис миллатига мансуб бўлган оилалар кўчиб келишди. Улар эса лавлаги, карам, помидор, картошка етиштиришда намуна кўрсатишди.

Андрей Витта деган немис йигити Яков Северяков деган рус йигити билан хўжалигимизда устахона очиб, маҳаллий аҳоли билан отарава, эгар-жабдуқлар ясаш ҳунарини ўрганишди. Виттанинг бир қизи қозоқ хонадонига, иккинчи қизи эса тожик хонадонига келин бўлиб тушган.

1929—1932 йилларда Тошкент — Паркент тош йўли қурила бошланди. Петр амаки аёли Шура хола билан мана шу йўлнинг тошини терган рус оилаларидан бири. Қишлоғимизда биринчи бор мактаб очилганида болаларимиз саводини чиқаришга отланган биринчи қишлоғимиз муаллими Шокиржонов деган татар йигити бўлган.

Ҳамқишлоғимиз Иван Нижников умрининг охирида мусулмон динига кирган, вафотидан сўнг мусулмон мозорига қўйилган. Қишлоғимизга келин бўлиб тушган рус қизи Пелагея Абдураҳмонованинг қизлари қозоқ, ўзбек йигитларига турмушга чиқиб, ўғиллари ўзбек, қозоқ қизларига уйланишган. Пелагея опа мусулмон динини қабул қилган.

Бу мисолларни келтиришимдан мақсад бизнинг «Политотдель» хўжалигимизда турли миллат, элат фарзандлари бир ота-онанинг болаларидек аҳил-иттифоқ яшамоқдалар. Бундан жамоа фаровон, ҳаётимиз чуқур мазмун касб этмоқда.

Халқлар дўстлигига раҳна солиш эл-юртдан қутбаракани кўтаради. Миллатлараро дўстлик эса файзбарака рамзи. Сўзларимга ишонмасангиз, «Политотдел» хўжалигига келинг. Ана шунда келин салом қилаётган, тандирга нон ёпаётган, кўрпача солиб, меҳмон кутаётган корейс оилаларини кўрасиз, корейс таомлари тайёрлаётган қозоқ келинчаклари билан сўзлашасиз...

Бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қилаётган қозоқ, ўзбек, корейс, дунган, рус, украин, немис, тожик миллатларига мансуб бўлган меҳнаткашларнинг бунёдкорлик ишлари билан танишасиз.

Қайси миллатга мансуб бўлмайлик, ҳамкор, ҳамнафас бўлиб яшайлик. Мустақил Ўзбекистонимизнинг бугуни, эртаси ва индини биздан мана шуни кутади.

Р. ИСҲОҚОВ.
Меҳнат фахрийси.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

9—15 декабрь

• Ҳар куни

● 8.25 Соғлом бўлай десанг (шанба ва якшанбадан ташқари, (ЎзТВ-I).

● 18.00 Ўзбекистон телевидениесининг «Янгиликлар» кўрсатуви. (ЎзТВ-I).

● 19.30 да рус тилида «Ахборот» программаси (ЎзТВ-I).

● 21.00 да ўзбек тилида «Ахборот» программаси. (ЎзТВ-I).

● 6.00 да Марказий телевидениенинг «Тонг» мусиқий кўрсатуви. (МТ-4 орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).

● 20.30 да ЎзТВ-II ва МТ-4 программалари орқали Марказий телевидениенинг информацион кўрсатуви.

● 11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30—ҳар куни МТ-4).

• 9, душанба

● ЎзТВ I

18.10 Мультфильм. 18.30 Бокс бўйича халқаро турнир арафасида. 19.00 «Ишбилармонлар ҳузурида». 19.45 «Хотира». Шоир Асқар Қосимов. 20.25 «Кўҳна созлар». 21.25 «Иқтисодий мустақиллик муаммолари». 21.55 «Сабр косаси». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 «Шаҳар юмушлари». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.25 «Медео сардорлари». Телефильм. 20.35 «Ўзингни эр билсанг...». 22.05 «Ҳамшаҳарлар». 23.05 «Лаҳза». Хабарлар.

● МТ «ОРБИТА IV»

9.35 Евпаторияда халқаро болалар театри фестивали. 10.50 Футбол шарҳи. 11.20 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Даҳшатли нур» (Арентина). 11.30 «Бу жуда зўр-ку, шеф!». Телевизион бадиий фильм премьераси. 12.50 Джаз портретлари. «Лидер» ансамбли. 13.55 «Телемикст». 14.40 «Ён дафтар». 14.45 Бу сизга керакми? 15.00 «Биржа учувчиси». 15.10 «Бу бўлган, бўлганди...». 15.55 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Телевизион бадиий фильм. 2-фильм. 1-серия. 17.05 Болалар соати (француз тили дарси билан). 18.05 Фигурали учиш. СССР чемпионати. Эркаклар. Эркин программа. 19.00 ТСН (сурдо таржимаси билан). 19.15 Мультфильм. 19.30 «Бозор қонунларига биноан». «Мен русча сўзлашмоқчиман...». 1-кўрсатув. 20.00 Фигурали учиш. СССР чемпионати. Кўргазмали чиқишлар. 22.05 Футбол шарҳи. 22.35 «Муаллифлар ойнаижаҳони». 00.20 Профессионаллар ўртасида олти кунлик халқаро велосипед пойгаси. 01.00 ТСН. 01.15 «Ҳақиқат ва гулхан».

• 10, сешанба

● ЎзТВ I

18.10 Болалар учун концерт. 18.35 «Шаҳар бедарвоза эмас». Бевосита мулоқот. 19.50 Чустий лирикаси. 21.25 «Спортлото». 21.30 «Сайраммнинг бахти». Тожикистон халқ артисти Сайрам Исаева ижоди ҳақида. 22.25 «Автомобилдан сақланинг». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Соғлом бўл, болакай». 19.30 Мусиқий жилолар. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бумеранг». Экологик кўрсатув. 20.40 «Умрга тенг рақс». Галия Измайлова. 22.05 «Кинонигоҳ». 23.55 «Пульс». Хабарлар.

● МТ «ОРБИТА IV»

9.35 «Эфирда мусиқа». 10.05 Болалар соати (француз тили дарси билан). 11.05 «Айбсизлик презумпцияси». Бадиий фильм. 12.50 Фигурали учиш. СССР чемпионати. Кўргазмали чиқишлар. 14.25 «Телемикст». 15.10 «Савдо растаси». 15.25 Биржа янгиликлари. 15.50 Останкино концерт студиясида академик Н. М. Амосов билан учрашув. 16.10 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Телевизион бадиий фильм. 2-фильм. 2-серия. 17.25 Мультфильм. 17.35 «Болалар мусиқий клуби». 18.20 «Чемпионлар билан биргаликда». 18.35 «Мангуликка айланган лаҳзалар». 19.00 ТСН (сурдо таржимаси билан). 19.15 «Қизиқувчилар олами». 19.30 «Лойиҳа-30». 20.05 «Шеф, қайтинг». Телевизион бадиий фильм премьераси. 22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?». 23.15 «Ҳаммаси шу ердан бошланади...». Н. А. Нексаров таваллудининг 170 йиллигига. 00.15 Профессионаллар ўртасида олти кунлик халқаро велосипед пойгаси. 00.55 ТСН.

• 11, чоршанба

● ЎзТВ I

8.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 9.20 «Сабр косаси». Бадиий фильм. 18.10 Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур». 19.00 «Ҳуқуқ ҳаётимизда». 19.45 «Замондош билан учрашув». Мусаввир Бахтиёр Маҳкамов. 20.30 «Куйла дилкаш дуторим». Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимов. 21.25 «Мустақиллик ва ташқи сиёсат». 21.55 Бокс. Халқаро турнир. 22.40 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1-серия.

● ЎзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.35 Малика Собирова номли биринчи халқаро балет артистлари танловида. 20.20 «Қизиқарли учрашувлар соати». 21.10 Кичик концерт. 22.05 «02» тўлқинида. 22.25 «Запасдаги офицер». Бадиий фильм.

● МТ «ОРБИТА IV»

9.35 «Болалар мусиқий клуби». 10.20 «Чемпионлар билан биргаликда». 10.35 «Қора оққуш». Телефильм премьераси. 11.05 «Шеф, қайтинг». Телевизион бадиий фильм премьераси. 12.50 «Нима? Қаерда? Қачон?». 14.00 «Ҳулқатвор». Ҳулқ алифбоси. 14.45 «Простор — Плюс». 15.15 «Ён дафтар». 15.20 «Шерик». 15.50 ТСН. 16.10 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Телевизион бадиий фильм премьераси. 22.05 Футбол. УЕФА кубоги. 1/8 финал. «Динамо» (Москва) — «Гент» (Бельгия). 24.00 «Вальтер Эбретцнинг икки ватани». Телефильм премьераси. 00.40 «Ялта-91», 00.55 ТСН. 01.10 Профессионаллар ўртасида олти кунлик халқаро велосипед пойгаси.

• 12, пайшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Қўшиқларим сизга». Жамила Қамбарова куйлайди. 9.20 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 9.50 «Автомобилдан сақланинг». Бадиий фильм.

18.10 Мультфильмлар. 18.30 «Шоирлар — болаларга». 19.00 «Олий таълим янгиланиш йўлида». 19.50 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.05 «Ижод саҳифалари». «Абдурауф Фитрат». 21.25 «Ёшлар куйлаганда». 22.05 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 2-серия.

● ЎзТВ II «ТОШКЕНТ» «СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ»

18.30 «Зариповлар сулоласи». Телефильм. 19.00 «Бу оқшомда». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми. 22.05 «Кинонигоҳ». 23.55 «Пульс». Хабарлар.

● МТ «ОРБИТА IV»

9.30 Мультфильм. 9.40 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 10.40 Барток номли камер оркестрининг концерти. 11.10 «Команда—«33». Бадиий фильм. 12.50 ИИВ маълумотларига кўра... 13.45 «Телемикст». 14.30 «Простор—«Плюс». 15.00 «Бугун ва ўша пайтларда». 15.50 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Телевизион бадиий фильм. 2-фильм. 4-серия. 16.55 «Прок»—бизнес ва сиёсат». 17.40 Болалар учун фильм. «Совға». 18.45 ИИВ маълумотларига кўра... 19.00 ТСН (сурдо таржимаси билан). 19.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.05 «Команда—«33». Бадиий фильм. 22.05 Останкино концерт студиясида ёзувчи Владмир Максимов билан учрашув. 23.20 «Цфасманни эслаб». 00.15 ТСН.

• 13, жума

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 9.20 «Менинг отим Хўжа». Бадиий фильм.

18.10 Мультфильм. 18.20 «Саноатимиз муаммолари». 18.50 «Ёшлик» оқшоми. 19.50 «Мерос». Мақом тарихидан. 4-кўрсатув. 21.25 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Дилдаги гаплар». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ёдгор Саъдиев. 22.20 «Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида қисса». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● МТ «ОРБИТА IV»

9.30 Мультфильм. 9.50 Футбол шарҳи. 10.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар 11.05 «Команда — «33». Бадиий фильм. 14.00 Биржа янгиликлари. 14.30 «Ён дафтар». 14.35 «Бридж». 15.00 «Шу туфайли одамлар менга қадрдон...». Мусиқий композиция. 15.50 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Телевизион бадиий фильм. 2-фильм. 5-серия. 16.55 «Даугавадан Эригача». Телефильм премьераси. 17.45 «Антреприза» студияси таништиради. 18.00 «Инсон ва қонун». 18.45 «Қизиқувчилар олами». 19.00 ТСН (сурдо таржимаси билан). 19.15. «Барча юлдузлар». М. Хуциев. 20.35 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 22.05 Футбол шарҳи. 22.35 «ВИД» таништиради: «13—31», «Музобоз», «Шоу-биржа», «Дело», 01.50. ТСН. 02.05 Теннис. «Катта шлем» кубоги.

• 14, шанба

ЎзТВ 1

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Саломат бўлинг!». 9.30 «Олтин водий қалби». Ҳужжатли фильм. 10.10 «Экология». Телевизион альманах. 10.50 «Дала юмушлари». 11.20 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Суръат Пўлатов таваллудининг 60 йиллигига бағишланади. 12.05 Камер куйларидан концерт. 12.35 «Кечмишларнинг ҳикояси бу». Бадиий фильм. 14.10 «Мулоҳаза». Адабиёт дарсликлари ҳақида.

18.00 Мультфильм. 18.10 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Китоб — ўтмиш ва келажак кўприги». 19.50 «Тилга эътибор...» 20.20 Шокирхон Ҳакимов ғазалларига ёзилган қўшиқлар. 21.00 «Ҳафтанома» 22.00 «Мусиқамиз хазинасидан. «Ушшоқ». 23.15 Экранда — кинокомедия. «Тўйлар муборак».

● ЎзТВ II АШХОБОД КЎРСАТАДИ

● МТ «ОРБИТА IV»

7.00 Ритмик гимнастика. 7.30 «Қалб қўри билан». Рус маданияти ҳомийси, коллекционер ва мусаввир М. К. Тенишева ҳақида. 8.15 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 9.15 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 9.45 ТСН. 10.00 Ишбилармон кишилар телеклуби. «Тадбиркор». 11.00 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 11.45 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 13.00 Иқтисодий ҳамдўстлик мамлакатлари ёшлар оркестрининг концерти. 15.10 «Мусиқа дўкони». 15.40 Режиссёр М. Калик фильмлари. «Қуёш ортидан бораётган киши» («Молдова-филм»). 16.50 «Ер — она масканимиз». Фототанлов. 16.55 Экологик хроника. 17.20 «НУЖ: эълон қилинмаган ташриф». 11-кўрсатув. 17.50 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 24-серия. 18.15 Экранда биринчи марта. «Авлоднинг давоми». Бадиий фильм («Ленфильм»). 19.40 «Нилуфар». Мультфильм. 19.50 «Фуқаро Андрей Сахаров». Ҳужжатли фильм премьераси. («Вашингтон медиа, Асфошиэйтс» кинокомпанияси). 21.30 Информацион программа. 22.05 «Бахтли тасодиф». Оилавий телевикторина. 23.05 ТСН (сурдо таржимаси билан). 23.20 «Театр плюс ТВ». 00.50 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади.

• 15, якшанба

ЭНЕРГЕТИКЛАР КУНИ

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома». 9.00 «Шоҳруҳ» клуби. 9.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Карвон». 10.20 «Бунёдкор». Тошкент меъморчилик ва қурилиш институти фаолиятидан. 11.00 Халқаро конкурс совриндори Улуғбек Полвонов концерти. 11.40 «Ой камалаги». Бадиий фильм. 13.05« Фермер хўжалигига — кенг йўл». 13.35 «Қўшиқ рақсга уланса». Мусиқий кўрсатув. 14.15 «Анъана ва замон». Шеробод ноҳиясидан кўрсатув.

18.00 Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Доно бобо даврасида». 18.50 Телевизион миниатюралар театри. 19.50 «Стадион». Манзарали фильм. 20.00 «Якшанба оқшомида». «Одамийлик ўлмасин». 21.25 «Олтин бешик». Қашқадарё вилоятидан кўрсатув. 22.50 «Четга оғиш ноль». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II БИШКЕК КЎРСАТАДИ

● МТ «ОРБИТА IV»

8.30 Спорт ҳамма учун. 9.00 «Спортлото» тиражи. 9.15 «Эртага саҳарлаб». 10.00 ТСН. 10.20 «Ватан хизматида». 11.00 «Тонг юлдузи». 11.50 «Саёҳатчилар клуби». 12.50 «Далалар». 13.30 «Амик бошлайди ва...» 14.15 «Пи» белгиси билан. 15.35 «Янги авлод танлайди». 16.50 Балет артистлари концерти. 17.20 «Уолт Дисней таништиради...» 18.10 «Эфирда бевосита мулоқот». 18.50 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Бевафо хотин» (Марокаш). 19.00 «Халқаро панорама».

Якшанба кинозали

19.30 Мультфильм премьераси, «Гуд бай, СССР!». Ҳужжатли фильм премьераси. 20.15 «Оркестр репетицияси». Бадиий фильм. 22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?». 23.15 ТСН (сурдо таржимаси билан). 23.30 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Ярим финал. 01.10 «Плюс» театри таклиф этади. 02.15 «Феникс».

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЖАМОА ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ИЖАРА ҲАМДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Пахта хом-ашёси билан савдо-сотиқнинг кўпайиб бораётганини назарга олиб ҳамда пахта етиштирувчи хўжаликларнинг манфаатини ҳимоя қилиб, шу йилнинг иккинчи декабридан бошлаб

«ТОШКЕНТ» Биржаси

ПАХТА САВДОСИДАН ОЛИНАДИГАН БИРЖА СОЛИҒИНИ 2,5 БАРОБАР КАМАЙТИРДИ. ЭНДИЛИКДА СОЛИҚ ХАРИД МИҚДОРИГА ҚАРАБ 0,2 ФОИЗ МИҚДОРИДА ОЛИНАДИ.

«ТОШКЕНТ» Биржасининг юқори малакали мутахассислари ва воситачилари сизларга вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган тартибга кўра режанинг 5 фоизи миқдорида ва режадан ортиқ тайёрланган пахта ва пахта толасини фойда билан сотиш ёки уни зарур ҳаракат воситалари, ҳом ашё ва кенг истеъмол молларига айирбошлашда ёрдам берадилар.

Фақат «ТОШКЕНТ» Биржасида Сиз пахтанинг жаҳон ва иттифоқ бозоридаги нарх даражаси ҳақида аниқ маълумот олишингиз мумкин.

Фақат «ТОШКЕНТ» Биржасида Сизнинг битимингиз Сиз учун фойдали шартларда тез расмийлаштирилади.

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ ҲАМИША СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА!

Манзилгоҳимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 45.

Телефонлар: (3712) 45-83-87, 45-90-79, 45-84-64, 45-83-18.

Телефакс: (3712) 45-84-76, 45-62-79.

Телекс: 116297 BIRJA

«ТОШКЕНТ» БИРЖАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ МЕЪМОРЧИЛИК-ҚУРИЛИШ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

кафедралар бўйича
профессор-ўқитувчилар таркибидаги

БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

профессорлар: ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фанлар қурилиш материаллари, қурилиш механикаси ва зилзилага бардошлилик асослари (0,5), меъморчилик тарихи ва назарияси (1,5), физика, шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳолиси яшайдиган ерларни режалаштириш (0,5), темирбетон ва гишт конструкциялар;

доцентлар: олий ва амалий математика (4), чизма геометрия, шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳолиси яшайдиган ерларни режалаштириш, физика, иссиқлик-газ таъминоти ва шамоллатиш (4), сув таъминоти ва канализация, қурилиш материаллари (0,5), амалий геодезия, турар жой биноларини меъморий жиҳатдан лойиҳалаштириш;

катта ўқитувчилар: шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳолиси яшайдиган ерларни режалаштириш, иссиқлик-газ таъминоти ва шамоллатиш (2), амалий геодезия (2-ярим ставкадан), сув таъминоти ва канализация (2).

Танлов муддати — 29 декабргача.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй, 49-хона.

Банклар

ССЖИ ЖАМҒАРМА БАНКИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1982 йилги давлат ички ютуқли заёмли бўйича

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ

1992 ЙИЛДА:

15 февралда — БЕЛГОРОДДА,
30 мартда — ОЛМАОТАДА,
15 майда — КИЕВДА,
30 июнда — УЛЬЯНОВСКДА,
15 августда — ТОШКЕНТДА,
30 сентябрда — АШХОБОДДА,
15 ноябрда — САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА,
30 декабрда — МОСКВАДА

ЎТКАЗИЛАДИ

Эллик сўмлик облигацияларга чиқадиган ютуқлар облигацияларнинг ҳақиқий қийматини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 300, 500, 1000, 2500, 5000, 100 00, 25000 сўм ҳажмида белгиланган.

25000 сўмлик ютуқ эгаси ГАЗ-24 «ВОЛГА» автомобилини, 10000 сўмлик ютуқ эгаси эса «Жигули» автомобилини навбатдан ташқари сотиб олиш ҳуқуқини қўлга киритади.

СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» акционерлик жамиятининг «САРБОН» Ўзбекистон реклама агентлиги.

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРЛАР ВА РАССОМЛАР УЮШМАЛАРИ

Буюк инсонпарвар, шоир, давлат арбоби, маърифатпарвар, ўзбек халқининг фарзанди Бобур ёдгорлигини барпо этиш учун

ЖУМҲУРИЯТ ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИЛАР

Танлов дастури ва шартларини Тошкент шаҳри, ГСП, Навоий кўчаси, 2«а» уй, СредазНИИТАГ танлов комиссиясининг котибидан олиш мумкин.

ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР БЕЛГИЛАНГАН:

Битта биринчи мукофот — 3000 СУМ.
Битта иккинчи мукофот — 2000 СУМ.

Биринчи мукофот билан нишонланган лойиҳа муаллифларига лойиҳа устидаги ишни давом эттириш топширилади.

ТАНЛОВ ИШЛАРИ 1991 ЙИЛНИНГ 25 ДЕКАБРИГАЧА ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГОҲГА ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ: Тошкент шаҳри, ГСП, Навоий кўчаси, 2«а» уй СредазНИИТАГ.

Бунда муаллифнинг шнори, лойиҳа материали топширилган муддат кўрсатилган квитанция олиниши керак.

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича
профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

профессор: кечки факультетда инглиз тили (филология фанлари доктори, профессор);

мудир: ўзбек тили ва адабиёти (филология фанлари доктори профессор ёки филология фанлари номзоди, доцент);

доцентлар: қўйи курсларда инглиз тили лексикаси, инглиз тили стилистикаси (филология фанлари номзодлари, доцентлар);

ўқитувчилар: инглиз тили стилистикаси (филология фанлари номзоди), инглиз тили факультетида рус тили ва адабиёти (2), умумий тилшунослик (0,25 ўрин), кечки ва сиртқи факультетларда француз тили (0,5 ўрин),

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104-уй, расмийлаштириш бўлими.

ИЖАРАДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИГРАФИЯ КОМБИНАТИ КОРХОНАСИ

ЭРА, РЭМ, КСЕРОКС, ФКУ ва бошқа кўпайтириш аппаратларнинг цилиндр ва пластиналарини селен билан қоплаш йўли билан қайта тиклашга муҳтож талаблар мавжудлигини ўрганмоқда. Селен чанги билан қоплаш ишлари ҳажмини аниқлаш учун юқорида кўрсатилган типдаги нусха кўчириш-кўпайтириш аппаратларига эга бўлган ташкилот ва муассасаларнинг корхонамиз техник бўлимига буюртмаларини юборишларини сўраймиз.

Бизнинг манзилимиз: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, АП «Ташполиграфкомбинат». Телефон: 44-37-81.

Сурхондарё вилоят, Гагарин матлубот жамиятлари уюшмаси «Гулистон» ишчилар матлубот жамияти идорасининг йўқолган

ДУМАЛОҚ МУҲРИ ва ТЎРТБУРЧАКЛИ ШТАМПИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

●

«АГРОСПЕЦСТРОЙ» ЖАМОА КОРХОНАСИГА

доимий ишга дефектоскопия ва электр техника лабораториясининг бошлиқлари ва мутахассислари

КЕРАК

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700005, Куйбишев кўчаси, 35-уй, Телефон 91-43-52 (расмийлаштириш бўлими).

ГУРУНГ

УСТОЗДАН ХОТИРА

Бундан эллик беш йил муқаддам улуғ шоир, драматург ва донишманд Абдурауф Фитрат Самарқанддаги Акмал Икромов номли (ҳозирги Алишер Навоий номли дорилфунун) олийгоҳда ўзбек адабиёти тарихидан дарс берар эди. Мана шу айёмларда Алишер Навоий ижоди юзасидан бўлган дарс асосида шеърият мулки султонининг «муаммаъ» тарзида ёзган шеърларини тўплаб, «Муаммаълар мажмуаси» деган рисола-тўплам чиқармоқчи эканлигини айтган ва муаммаъ тарзида ёзилган бир шеърни ўқиб бериб, муаммаъ сўзининг маъносини ҳам бизга тушунтирган эди.

Шундан буён «муаммаъ» деганда кўзолдимга турли тиллардан олинган сўзларни шеърий сатрларга аралаштириб, шеърга безак бериш келарди. Бироқ Фитратдан менда хотира тариқасида қолган Навоийнинг «Баҳор кунлари келмиш» шеъридаги хитойча сўзлар ҳозиргача ўз тилимизга таржима этилмаганди.

Яқинда Алишер Навоий томонидан муаммаъ тарзида шеър сатрларига олинган хитойча сўзларни Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтининг олимлари Аҳатжон Хожа ва Абдухолиқ Айтбой ўғиллари билан биргаликда кўриб, шеърдаги сўзларни ўргандик.

Мазкур шеърда Ҳазрат Мир Алишер асосан ошиқ йигитнинг баҳор фаслида ўз севгилисини қандай ҳолатда кўришни истаганлигини таърифлаш билан бирга, маҳбубага нисбатан бўлган садоқатини ҳам куйлайди. Шеърнинг мавзусида умумий шеърларда куйланмиш маҳбуб ва маҳбуба баҳс этилсада, бунда хитой сўзларининг қоришиқ берилиши миллий биродарлик ҳақида Навоий айтган сўзларнинг кўркам кўринишини намойиш этади.

Насрулло ДАВРОН,
филология фанлари номзоди.

Алишер НАВОИЙ.

БАҲОР КУНЛАРИ КЕЛМИШ

Баҳор кунлари келмиш, кетиб дурур жу жу,
На бўлса гулшан аро бир назокати фе ю.
Очилсаларки ховар юзинг, лабларинг ренг ту,
Карашмасида чаман қушларига солур ғулу.
Кўп интизор этмагилки ёр ду зан лай,
Тутиб қаҳр бирла илкингда бурила мо ку ни!
Аср айлади зулфинг, қошинга ли му бўлай.
Назокат ичра қад-қоматинг хин ху.
Туман баҳона биланки маҳбубни бир кўрсам,
Нигор эшигига бориб қичқирайинки, Лу ёнгру.
Нигор чеҳраси, ўз назарила — улуғ оташ,
Кўркли бўлмади ҳоли фанг зада жанг жу.
Ўзингни бил, ўзго сори бирло на ишинг!
Хито юсунида бордур: «Ло ё тажли му ю».
Навоий, айла висол, кўнгулни хуш тутқил,
Кечарҳдек тинчимай лоилоҳу илло лу!

Хитойча сўзларнинг ўзбекча маъноси:
1. жу жу — қиш чилласи.
2. фе ю — учиш.
3. ренг ту — ранг билан бўялган.
4. ду зан лай — чиқиб келиш.
5. мо ку ни — ит ва мушук.
6. ли му — қошга бўёқ қўймоқ, ўсма қўймоқ.
7. хин ху — жуда яхши.
8. Лу ёнг — хитойда энг гўзал шаҳар.
9. фанг зада жанг жу — шўх ва ўйноқи.
10. ло ё тажли му ю — тожсиз малика.

*

● ГУРУНГ қилишга нима етсин. Мана бу суратда кўриб турган Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийлари ўзига хос ибратли умр йўлини босиб ўтганлар. Улар бу ҳақда ҳар қанча фахрланиб сўзласалар арзийди.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

*

ИЗОМИЙ ЭМАС, НИЗОМИЙ

ЕКИ КЎП ЙИЛЛАР АБДУРАУФ ФИТРАТГА АДАБИЙ КОТИБЛИК ҚИЛГАН ИНСОН

Ёши бир асрга тенглашиб қолган (1896 йилда туғилган) бу отахоннинг нуроний чеҳрасига тикилиб боқинг. У кишига китоб бир умрга ҳамроҳлик қилди. Отахон ҳамон китоб мутолаасида.

Мирза Ғуломқодир Изомий ўғлига Низомий таҳаллусини қўйган Абдурауф Фитрат эди. Улар ўн йилдан знёд ҳамкорлик қилишди.

Абдурауф Фитрат ғоят шершиддат ижодкор эди. Бир неча кеча-кундуз тиним билмай ишлаб, ажойиб бир пьесани ёзиб ташлашлари ҳеч гап эмасди. Илҳом парисининг қанотидан ушлаб қандай ёзаётганлиларини сезмас эди. Кейин эса қўлёзмадаги ҳарфларни ажратолмай хуноб бўлганларича Мирза Ғуломқодирга мурожаат этарди. Мирза адабий котиб сифатида бу ёзувларни тартибга солиб, нуқсонларини тузатар, сўнгра ажиб бир ҳуснихат билан оққа кўчирар эди. Икки ўртада араб имлоси қоидалари хусусида мунозаралар ҳам бўлиб ўтарди. Шундай тортишувларнинг бирида енгилган Фитрат «Изомий эмас, Низомий экансиз» дея сўз ўйини қилди. Бу билан шоир Мирзанинг имло қонун-қоидалари хусусидаги билимдонлигига шама қилаётган эди.

Шу-шу бўлди-ю бухороликлар Мирза Ғуломқодирни Низомий деб атай бошладилар. Дарҳақиқат, ҳали инқилобдан илгари мадрасада таълим олиб, Амир саройида мирзалик қилган Ғуломқодир Изомий ўғли бу соҳада тенгги йўқ билимдонлардан бири.

30-йилларнинг ўрталарига-ча Абдурауф Фитрат қаерда яшаб, ижод қилмасин, Низомий у кишига ҳамроҳлик қилди. Буюк ижодкорнинг кўпгина асарлари мана шу табаррук отахон томонидан оққа кўчирилиб нашриётларга топширилган.

Низомий бобо шоир ҳаёти сўнги йилларининг жонли гувоҳидир. У киши Фитратнинг Тошкентдаги Каллахона маҳалласидаги ҳовлисида ўтказилган гурунгларни илиқ бир туйғу билан эслайди. Улар Чўлпон, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, сингари улуғ зотларнинг иштирокисиз ўтмасди. Кейинги йилларда эса кўнгли ва қўли очиқ шоирнинг ҳовлисидан кўпдан-кўп ёш қаламкашлар ҳам қадам узмай қўйишди.

Шахсга сиғиниш разил тегирмони эса чархини айлантиришга киришган эди. Ҳар куни пойтахтда қайсидир бир зиёлининг ҳибсга олингани тўғрисида совуқ хабарлар тарқаларди.

Низомий бобо шундай кунларнинг бирида Фитрат билан бўлиб ўтган сўнгги суҳбатни ҳаяжон билан хотирага олади. Ўшанда Фитрат Низомийга Тошкентдан кўчиб кетиш, умуман кўздан узоқроқ юришни маслаҳат қилди.

— Қайси гуноҳим учун мени жазоламоқдасиз, — гинахонлик қилди Низомий.

— Гуноҳингиз учун эмас, хизматларингиз учун сизни хавф-хатардан огоҳлантирмоқчиман, — деди чуқур ташвиш билан Фитрат. домулла. — Атрофимизда «ёш қаламкашлар» ниқоби остида айғоқчилар кўпайгани сизга сир эмас. Бу хунук белги. Яқинда бошқа «эски зиёлилар» қатори ҳибсга олинсам ажаб эмас. Бунинг жабрини сиз каби маслакдошларим чекмасин дейман!

Фитрат Низомийга пастқам қишлоқлардан бирига кўчиб бориб фақирона турмуш кечиришни маслаҳат берди. Бир неча йил мобайнида пойтахт, Самарқанд ёки Бухорода зинҳор кўринмасликни тайинлади. Хайрлашар экан, у кишига садаф тошлари билан безатилган ажойиб танбурни туҳфа қилди.

Аммо Низомий бобо бундай қимматбаҳо совғани рад этди. Улуғ инсон билан кўп йиллик ҳамкорлик у кишига энг олий совға эди.

Низомий кўп йиллик мусофирчилик, сарсонлик, саргардонликдан кейин Бухорога қайтди. Узоқ йиллар Бухоро дорилмуаллимининг Мир араб мадрасасида ёшларга таълим-тарбия берди. Кейинчалик, кўп йиллар Абу Али ибн Сино номидаги вилоят кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари бўлимида мудирлик қилди.

Ҳозир Низомий Бухоро шаҳри чеккасидаги сўлим ҳовлиларнинг бирида бахтли қариликнинг сокин онларини бошдан кечирмоқда.

Кенжа келинлари Зубайда хон, неваралар у кишининг атрофида парвона. Кенжа ўғил Сайфиддиннинг эса ташвишлари кўп. У йўл қурувчиси. Тўнғич ўғил Хайриддин Изомов жумҳуриятда танилган бастакор.

Ўзбекистонлик, тожикистонлик кўплаб шарқшунос олимлар, дин намояндалари муҳтарам домуллани ўз устозлари сифатида эъзозлашади. Ҳалиям кўплаб кишилар отахон билан дийдор кўришиш илинжида. Лекин йилларнинг юки залворли, оғир хотиралар эса тинчлик бермайди...

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

«ОИЛА» ДАРСИ ЎТИЛСА

Биз бир гуруҳ Низомий номли Тошкент давлат муаллимлар олийгоҳи «Бошланғич таълим методикаси» куллиёти, тарбиявий ишлар методикаси, оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси мутахассилигининг бўлажак муаллимлари ўрта мактабларда амалиётда бўлдик.

Шунга амин бўлдикки, юқори синф ўқувчиларида оила ҳақида тўғри тасаввур туғдириш жуда муҳимдир. Тўғри, олдинлари 10-синфларда «Оила» дарси ўтиларди. Ҳозир эса «Одобнома» дарси бошланди. Бу жуда яхши. Лекин 1-синфдан то 11-синфгача илк сабоқ «саломлашиш одоби»дан бошланади.

Фикримизча, 10-синфда «Оила» дарси сақлаб қолинса. Чунки урф-одатларимизга кўра бизда ота-оналар фарзандларини барвақт оила қуришга ундайди. Ҳамма ёшлар ҳам олийгоҳларда таҳсил олмайдилар. Модомики шундай экан, ёш йигит-қизларга оила ҳақидаги тарбияни мактабдан бошласак, айни муддао бўларди.

Розагул ХИДИРОВА.

●

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ ЗАРУР

Ёшлар, айниқса, мактаб ўқувчилари ўртасида кўплаб жиноятчилик ҳолатлари содир этилаётгани ҳаммамизни ташвишлантиряпти. Иқтисодий қийинчиликлар ҳам ёшларни ўғирлик, қасавурлик қилишга мажбур этяпти. Лекин ана шундай ёшлар орасида қонунчилик, ҳуқуқий тасаввурга эга эмаслиги туфайли жиноят кўчасига кираётганлари ҳам талайгина.

Мактабларда юқори синфларда 5-синфдан бошлаб «Ҳуқуқшунослик» фан сифатида ўқитилса, маълум миқдорда ёшлар орасида жиноятчилик илдизига болта урилган бўларди. Албатта, бу фанни ўзлаштиришга мутахассис ўқитувчиларни жалб этса мақсадга мувофиқдир.

Абдулла ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси.

●

● ТАДБИРКОРЛИК — ЗАМОН ТАЛАБИ

ҚИШЛОҚДАГИ ИШЧИЛАР

Қишлоқда деҳқон, шаҳарда ишчи меҳнат қилади, деган ақидалар ортда қолди. Замон иш билганники бўлиб қолди. Шаҳарда яшаб, гул, сабзавот, ўстириш, мол боқиш ёки қишлоқда цех очиб кичик корхона юритиш ҳар кимнинг ўз иши бўлиб қолгани энди таажжуб туғдирмайди. Зеро, энди Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқларида мўъжаз корхоналар очилаётгани-ю, ҳунармандчиликка ҳам кенг йўл берилаётгани бугунги мустақиллик табиатига мос тадбирлардир.

КЕЛИН-КУЁВЛАРГА АРЗОН НАРХДА

— Шу йил май ойида гиламчиликни ўзлаштиришга киришилди, — дейди Хўжайли районидаги Ленин номли давлат хўжалиги гилам тўқиш цехи мудири Эргаш Йўлдошев. — Дастлаб 6 та дастгоҳ ўрнатдик. Уларда 12 қиз ишлаяпти. Бугунгача 2х3, 1,5х2,5 метр ўлчамли гиламлардан 17 таси тўқилди.

Шу тарика қишлоқда енгил саноатнинг яна бир тармоғи мўъжаз корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Цех мудирининг таъкидлашича, тўқилаётган гиламларнинг сифати яхши. Уларнинг дастлабкилари янги оила қураётган келин-куёвларга арзон нархларда сотилди. Ортгани эса пахтачилик, чорвачилик илғорларига сотиляпти.

Келгуси йилдан бошлаб гилам тўқиб чиқариш янада кенгаяди. Бундай харидоргир буюмлар тўқиладиган дастгоҳлар сони 12 тага етказилади. Шунга кўра, гилам тўқиш ҳажми 1000 квадрат метрга етказилиши мўлжалланмоқда.

Цех қошида халқ истеъмоли моллари тайёрлаш фабрикасининг филиали ҳам очилди. Филиалда 7 та тикиш машинаси 2 сменада ишлатиляпти. Бу ерда ҳозир эркаклар ва болаларнинг ички кийимлари тикилмоқда.

Қишлоқларда кичик корхоналар фаолият кўрсатиши қатор афзалликларга эга. Биринчидан, бундай корхоналарда қишлоқ аҳолисининг ишсиз юрган қисми ишга жойлашади. Иккинчидан, қишлоқ-овуллардаги йигит-қизлар касб-ҳунар сирларини ўрганиб, фаол меҳнатга сафарбар этиладилар, малакаларини оширадилар. Учинчидан эса кичик цехлар, мўъжаз корхоналарда меҳнат қилаётганлар ўзлари тайёрлаган маҳсулотлардан қисман бўлса-да, фойдаланадилар. Иқтисодий танглик шароитида бу қўл келмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХЎЖАЛИК—ДЕҲҚОН НОМИДА

Яқинда Тошкент районидаги «Ленин йўли» жамоа хўжалигига Муҳаммаджон Фозилов номини беришга қарор қилинди.

Муҳаммаджон Фозилов ким, нега хўжаликка унинг номи берилди! Бу саволларга жавоб топиш ниятида шу хўжаликда бўлдик. Муҳаммаджон ака билан бирга ишлашган, жамоа хўжалиги тузишда ва унинг равнақ топишига ҳисса қўшган фахрийлар ва фаоллар билан суҳбатлашдик. Уларнинг дил сўзлари шундай:

Ниғмат ота НОСИРОВ: — Муҳаммаджон билан кўп йил бирга ишлаганман. У ниҳоятда ташкилотчи, мақсадига эришиш учун курашувчан инсон эди. Унинг энг яхши фазилатларидан бири одамлар фикрига қулоқ соларди. Ҳар бир муаммони кўпчилик билан маслаҳатлашиб ҳал қиларди. Унинг яна бир одати — ёшларга меҳрибон эди. Улардан оталик маслаҳатини аямасди.

Ҳаким ота ПУЛАТОВ: — Бир киши ариқ қазиб, сув келтиради. Ундан қанча-қанча одамлар баҳра олади. Муҳаммаджон ҳам ана шундай инсонлардан бири эди. Доимо халқ ғамида юрарди. Ўзини эмас, жамоа аъзоларини кўпроқ ўйларди. Нима бўлса ҳам жамоага бўлсин дерди. Бирникки, иккини ўн, хуллас, хўжаликни бадавлат қилиш иштиёқида тиним билмасди. Ўттизинчи йилларнинг охиридаёқ «Октябрь самараси» колхози илғор хўжаликлардан бирига айланган эди.

Малик ота ҒОЙИПОВ: — 1929 йил охирларида 1- ва 2-Сағбон маҳаллаларидаги деҳқонлар уюшиб, колхоз тузилди. Хўжалик ерлари асосан кичик пайкаллардан иборат эди. Йўллар, йўлаклар, уватлар, ариқлар, ҳатто деворлар пайкалларни бир-биридан ажратиб турарди. Ерларни ҳайдаш мушкул эди. Ўша пайтдаги МТСлардан келган тракторларни ҳам зўрға ишлатардик. Буни сезган Муҳаммаджон ерларни йириклаштириш чораларини кўрди. Ўша пайтдаёқ боғлар, токзорлар бунёд этишга киришгандик. Ҳозир токзорларимиз 150 гектарга етди.

Лазокат ая ҒУЛОМОВА: — Жамоамиз янги тузилган кезларда пахта экардик. Лекин Муҳаммаджон хўжаликда сабзавот, қовун-тарвуз, узум, мева етиштириш орзусини қиларди. «Биз шаҳар биқинида туриб, эл дастурхонини ноз-неъматлар билан мўл-кўл қилмасак, ким қилади?» — дерди доимо. Хўжалигимиз сабзавот экиш ишлари, айниқса, картошкадан мўл ҳосил олдик. Узумларимиз довруғи ўша йилларда-ёқ оғизга тушганди.

Малика ҚУРБОНОВА: — Мен колхозда 1974 йилдан буён ишлайман. Жамоамиз аъзолари Муҳаммаджон ота номини доимо яхшилик билан хотирлашади. Отахон қишлоғимизни обод қилиш учун қурилишларни авж олдирганлар. Идорамиз ёнидаги боғчага кўзингиз тушгандир. Бу бино 1932 йили ҳашар йўли билан қурилган экан. Ҳозир 150 нафар кичкинтой тарбияланади.

Маҳкам қори БОЙМУҲАМЕДОВ: — 91 ёшга кирдим. Мен у билан умрининг охиригача бирга ишлаганман. Ниҳоятда бағри кенг инсон эди. Меҳнаткаш одамни қадрларди. У 1940 йилдан 1944 йилгача Сирдарё районидаги «Қизил Октябрь» жамоа хўжалигига раҳбарлик қилди. 1944 йилда яна колхозимизга қайтиб келди. Хўжалигимиз ўша пайтда раиса ёлчимай қолганди-да. 1952 йилгача ҳар йили раис ўзгарарди. Охири ўн учинчи раис қилиб Муҳаммаджоннинг ўғли Сиддиқжонни раисликка кўтардик. Умрингдан барака топгур, мана деярли 40 йилдирки, раис. У ҳам отаси сингари ободончиликка ихлос қўйган. Халқимиз тўқ.

* * *

Хўжаликдан қайтарканман, одамлар оғзидан бол томиб ҳикоя қиладилар. Ҳақиқатан қўли гул, бағри кенг инсонлар туфайли эзгу ишлар давом этаверади. Бугунги кунда Муҳаммаджон Фозиловнинг ҳамқишлоқлари унинг номини ҳурмат билан эсламоқдалар.

Ю. ЗИЕДОВ.

64 КАТАК СИРИ

АСЛИГА МУВОФИҚ БЎЛСА

Ўйин пайтида бўлиб турадиган айрим нотўғриликлар ҳақида етарли маълумотлар ёритилган. Бу сафар яна йўқолиб ёки аллақачонлар эскириб кетган ёҳуд кимлардир ўйлаб чиқарган қоидалар ҳақида сўз юритамиз. Баъзи шаҳматчиларнинг шуларни қўлланиши, табиийки мунозараларга сабаб бўлади.

Ҳозирги замон турнирларида «мот» сўзини ҳам овоз чиқариб, айтиш талаб этилмайди.

Агар бирон-бир томон биринчи юришда пиёдасини икки хона олга сурмаган бўлса, уни иккита пиёдани бир хона олга суриш билан алмаштириш мумкин ёки шох охирги горизонталга чиқса, шу вертикалдаги бошланғич позицияга янги пиёда қўйилади. Шунингдек, тахтада битта фарзин борлигида пиёда икки юришда фарзинга чиқади ё умуман чиқмайди, ё пиёда бошланғич позицияда қайси сипоҳнинг олдида турган бўлса, ўша сипоҳга айланади..., деб даъво қилувчи ҳаваскорлар учраб туради. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги замон шаҳмат қоидасига сира тўғри келмайдиган тўқима қоидалардир.

Юра олмайдиган донага қўл тегиб кетган ҳариф шоҳи билан жарима юриши қиладиган қоида аллақачон эскириб кетган. Бир вақтлар ҳарифлардан бирига рақиби янглишиб шахмат қоидаларига зид юриш қилиб қўйганда уни ўз кучида қолдиришини талаб этишга рухсат этувчи бошқа бамаъни қоида ҳам бўлган.

Агар ўйин пайтида тахта қоидага кўра қўйилмагани, яъни ўйновчининг ўнг томонидан оқ эмас, балки қора хона бўлиб қолганлиги аниқланса, дарҳол тахтани тўғри қилиб қўйиш, ўша позицияни сақлаб, бошланган партияни шу жойдан давом эттириш керак.

Агар ўйин пайтида ҳарифлар жадвалга кўра (яъни қурғаога биноан) бошқа (оқнинг ўрнига қора ёки аксинча) доналарда ўйнаш кераклиги аниқланса, партия бошқатдан ўйналади. Борди-ю хатолик учрашув тугагандан кейин аниқланса, натижа ўз кучида қолади.

Жанжалли ҳолларда билимдонроқ шахматчиларга маслаҳат сўраб мурожаат қилинг ёки барча ўйин қоидалари, мусобақа одоби, иштирокчилар ва судьяларнинг ҳуқуқлари ва бошқалар аниқ «белгилаб қўйилган «СССР шахмат кодекси»га амал қилинг.

Биз юқорида ҳозирги замон шахмат ўйини қонун-қоидалари қаторига киритилмаган, айрим оғиздан-оғизга кўчиб юрувчи эскирган йўл-йўриқлар борасида тушунчалар бериб ўтдик. Булар айрим мухлислар юборган саволларга мухтасар жавоблардир.

Кейинги машғулотларимизда ҳам сиз азизлардан келган талаб-истаклар ва саволларга жавоб бериб боришга ҳаракат қиламиз.

Энди қуйидаги масалаларни ечиб кўринг.



Оқлар бошлаб икки юришда мот қилади.

Истак шуки, доналарни тахтага термай хаёлан ечишга уриниб кўринг.

М. МУҲИДДИНОВ,
халқаро ҳакам.

Ўзбекистон—Туркманистон

РАНГЛИ ПАХТА

Пахтазорни таърифлар эканмиз «оппоқ» иборасини тез-тез ишлатамиз. Энди «қип-қизил», «қоп-қора», «оч-малла» деган сифатларни ҳам ишлатишга тўғри келадиганга ўхшайди. Бухоро вилоятн пахта уруғчилиги бирлашмаси ходимлари мана шундай рангли хом ашёни етиштириш соҳасида муваффақиятли иш олиб бормоқдалар.

Бундан бир неча йил муқаддам бирлашма раиси, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Ҳикмат Неъматов ашхободлик ҳамкасбларидан «ФК—1», «ФК—2» малла ранг пахта навларининг чигитини Бухорога олиб келган эди. Ўшандан буён бу чигитлар вилоят давлат участкасида синовдан ўтказилмоқда.

Эндиликда бундай синовлар муваффақият билан тугади, десак бўлади. Бухоролик селекционерлар илк бор рангли пахта етиштирдилар.

— Бу ғўза навининг бошқаларидан фарқи шундаки, — дейди Ҳ. Неъматов, — У табиий ҳолатда рангланган ингичка тола беради. Ҳосили ғоят тезпишар, чигит 15 апрелда экилган тақдирда, 26 сентябрга келиб ҳеч қандай ғўзанинг барги сунъий таъсирсиз ўз-ўзидан тўкилади. Бу эса атроф-муҳитни соғломлаштириш учун қандай аҳамиятга эга эканлиги маълум. Ашхобод тўқимачилик комбинати бундай хом ашёни етиштириш тўғрисида бухоролик пахтакорлар билан шартнома тузган.

Бу йилги мавсумда мазкур навли пахта тажриба тарзида Жондор районидаги Навоий номли, Бухоро районидаги «Маданият», Когон районидаги Қоровулбозор қўриқ мавзесининг 11-давлат хўжалиги айрим майдонларида етиштирилди. Натижа қувонарли. Ҳар гектардан ўрта ҳисобда 25—30 центнердан ҳосил олинди.

Чунончи, Қоровулбозордаги 11-давлат хўжалиги чўлқуварлари 24 тонна рангли хом ашёни қабул пунктига топширдилар. Когон пахта тозалаш заводи меҳнат жамоаси бу хом ашёдан уруғлик ажратиш тадбирларини кўраяпти.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Зомин миллий қўриқхонаси ўрмончиси Жаббор Шамшиев ҳамиша хушёр.
О. АДИЯНОВ сурат лавҳаси.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6481

№ 237.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—21.30. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.